Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 210 (5801).
12 СЕНТЯБРЬ 1985 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида ўртоқ М. С. Горбачевнинг Целиноград шаҳридаги партия-хўжалик активи кенгашида берган тавсиялари асосида қишлоқ хўжалик ишлари қандай бораётганини ва ҳосилни йиғиштириб олишни ҳар томонлама жадаллаштириш юзасидан республика партия, совет ва хўжалик органларининг вазифаларини муҳокама қилди. Пахта терими суръатларини ошириш тадбирларига алоҳида эътибор берилди. Кўпгина колхоз ва совхозлар мавжуд меҳнат ресурсларини сафарбар этмаганликлари, терим ишларига ҳаддан ташқари суст киришаётганликлари уқтириб ўтилди. Пахтани машинада теришга тайёргарликни ғоятда жадаллаштириш ғўза баргини тўкиришни қисқа муддатларда тугаллашни, техникани шайлашни, терим-транспорт отрядларини тузишни, пахта тайёрлаш пунктлари бункер пахтасини қабул қилишга тўла тайёр ҳолга келтирилишини талаб этади. Айни вақтда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш, ем-хашак етиштириш, сут, гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни қўпайтириш, чорва қишловини таъминлаш соҳасидаги ишларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш, ҳосилни йиғиштириб олишда, тайёрлаш ва асрашда, қайта ишлаш ва истеъмол қилишда нобудгарчиликни камайтириш соҳасидаги фаолиятини яхшилаш билан боғлиқ бўлган баъзи масалалар муҳокама қилинди. Партия ва совет органларига, агросаноат комплекси министрликлари ва идораларига етиштирилган ва йиғиштириб олинган ҳосилнинг сақланишини яхшилаш, шу асосда аҳолининг юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришни таъминлаш ишини кучайтириш тавсия этилди. Тайёрлов пунктларини, қуритиш-тозалаш цехларини ва бунт майдончаларини қуришни, пахта тозалаш ва ёғ заводларини 1985 йил пахта ҳосилини қабул қилишга ва қайта ишлашга тайёрлашни жадаллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Пахтачилик машиналари бош ихтисослаштирилган конструкторлик бюросининг илмий лойиҳаларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги учун яратилаётган машиналарнинг техникавий даражасини ва сифатини ошириш соҳасидаги иши масалаларини кўриб чиқди. Конструкторлик бюроси фаолиятининг даражаси КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида ва партия Марказий Комитетидаги июнь кенгашида ўртага қўйилган вазифаларга тўла-тўкис мувофиқ эмаслиги уқтириб ўтилди. Қишлоқ хўжалигининг муҳим проблемалари конструкторлик бюросининг диққат марказидан четда қолмоқда, янги машиналарнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга етарли эътибор берилмаяпти. Қиммат турадиган, кам унум, ишлатишга ноқулай техникани ишлаб чиқиш ҳоллари учраб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Пахтачилик машиналари бош ихтисослаштирилган конструкторлик бюросининг раҳбарлари ва партия комитети зиммасига КПСС Марказий Комитетининг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, конструкторлик лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши талабларига мос келадиган машина ва механизмлар яратиш масалалари юзасидан берган йўл-йўриқлари асосида ишни тубдан яхшилаш борасида қатъий тадбирларни амалга ошириш вазифасини юклади. Мазкур конструкторлик бюросининг бошлиғи ўртоқ П. М. Мирзаахмедовнинг коллектив яратилаётган машиналарга бўладиган меҳнат ва материал сарфини 15 процент камайтиришни, уларнинг унумдорлигини 1,8 баравар оширишни, конструкцияларнинг технологияга мослигини, металл ишлатилишини, меҳнат шароитларини, ташқи безагини анча яхшилашни таъминлайдиган комплекс тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширади, деган ваъдаси эътиборга олинсин.

Конструкторлик бюросининг партия комитетига инженер-техник кадрларнинг ишини тубдан яхшилашга эришиш, ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишни кучайтириш, коллективда ижодий вазиятни қарор топтириш, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш таклиф этилди. «Союзмашхлопководство» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасига, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига ва бошқа ташкилотларга ҳам бир қанча конкрет топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида республикани социал-иқтисодий ривожлантиришга партиявий раҳбарликнинг, партия ташкилотлари ташкилотчилик ва сиёсий ишининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСда

СССР Министрлар Совети билан ВЦСПС КПСС Марказий Комитетининг қарорларини бажариш юзасидан «Саноатда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида иш жойларини кенг аттестациядан ўтказиш ва уларни рационализациялаш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қабул қилинган қарорда СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ва тегишли касаба союз органларига 1985—1986 йилларда барча саноат корхоналарида, 1985—1987 йилларда эса қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, транспорт, алоқа, моддий-техника таъминоти, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ҳамда ташкилотларида иш жойларини аттестация қилиш ва рационализациялашни жорий этишни таъминлаш таклиф қилинди. Шундан кейин иш жойларини бир беш йилликда камида икки марта аттестация қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

(Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган).

ЛАУРЕАТЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИДА

Тошкент область партия комитети ва область касаба союзлари Совети стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги шарафига маҳоратни такомиллаштириш ва илғор иш тажрибасидан фойдаланиш асосида меҳнатда юқори кўрсаткичларга, юксак самарадорлик ва сифатга эришган, жамоат ҳаётида актив иштирок этган Тошкент шаҳри ишлаб чиқариш илғорларидан 21 кишига Тошкент область мукофоти лауреати унвонини бердилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети, район партия ва ижроия комитетлари, область касаба союз комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларига область мукофоти лауреатлари муваффақиятларини кенг пропаганда қилишни уюштириш, уларнинг иш тажрибасини умумлаштириш ва коллективлар ўртасида кенг ёйиш таклиф этилди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияларига Тошкент области мукофоти лауреатлари иш усулларини кенг ёритиш вазифаси топширилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ҚУЙИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ УНВОНИНИ БЕРДИЛАР

«ЗАНГОРИ МАШЪАЛА» МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Хабиров Фатқул Шамсуминович — «Средазнефтегазстрой» трести 6-ихтисослашган бошқармасининг электр пайвандчиси.

ПОЛИГРАФИЯ САНОАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ «МАЪРИФАТЧИ» МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Буравлева Людмила Никитична — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг газета-ҳарф териш цехи ҳарф териш машинаси машинисти.

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ ХОДИМЛАРИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Расулов Қодиржон Тешабоевич — Тошкент электротехника заводи 9-цехининг слесарлар бригадири.

Валетова Людмила Александровна — «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электромеханика заводи 06 цехининг электр монтажчиси.

ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИНИНГ ИҲЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Юнусова Муқаддас Зупаровна — Тошкентдаги чарм-галантерия ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

Йўлчиева Матлуба Ҳамидовна — Тошкентдаги 2-пойабзал фабрикасининг бичиқчиси.

Абдураимов Қурбонқул — Тошкентдаги Ш. Р. Рашидов номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли тўқимачилик комбинати 1-тўқув ишлаб чиқаришининг мастер ёрдамчиси.

Алимов Сафо — «Ўзбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент эксперименталь механика заводи йиғувчи-слесари.

ҚУРИЛИШ ХОДИМЛАРИНИНГ «БУНЁДКОР» МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Силин Николай Иванович — «Ташсантехгазмонтаж» трести 1-монтаж бошқармасининг сантехник слесарлар бригадири.

Вострикова Александр Михайлович — «Главташкентстрой»га қарашли «Ташинжстрой» трести механизация бошқармасининг экскаватор машинисти.

БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИНИНГ «ГРАНИТ» МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Жабборов Бахтиёр — «Ташкентмрамор» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент тоштарошлик заводи 1-цехининг фрезерчиси.

Султонов Маҳкам — «Узстройиндустрия» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент эксперименталь механика заводи йиғувчи-слесари.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ «ЛАЗЗАТ» МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Аҳмедова Флюра — Тошкент парфюмерия-косметика фабрикаси қуйиш-қопқоқлаш машинаси машинисти.

Йўлдошев Баҳром — «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош заводининг солодчиси.

МАШИНАСОЗЛИК ВА ПРИБОРСОЗЛИК ХОДИМЛАРИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Дўстмуҳамедов Равил — Ўзбекистон «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг торози слесари.

Ботиров Эркинбой Турдиалиевич — Тошкент экскаватор заводи 2-механика цехининг токари.

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ТОШИҲЎЛЛАР ХОДИМЛАРИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Борщевский Александр Порфирьевич — «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги 145-автомобиль корхонаси ҳайдовчилар бригадири.

КОММУНАЛ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИНИНГ «СЕРВИС» МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Усмонов Ҳамид Ғуломович — Тошкент «Техсложбытприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг соатсоз устаси.

АЛОҚА ХОДИМЛАРИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Шелим Нина Алексеевна — Тошкент шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқаришхника бошқармаси 35-бўлинмасининг телеграфчиси.

САВДО ХОДИМЛАРИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Умаржонова Мамлакат — Тошкент шаҳар Куйбишев район озиқ-овқат савдоси 1-магазинининг катта сотувчиси.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ ХОДИМЛАРИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Мақсудова Вазира — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси.

ЖАНУБИЙ ВОКЗАЛ ИШГА ТУШДИ

1985 йил 11 сентябрь. дан 29 минут ўтди. Шу пайтдан бошлаб Ўзбекистон пойтахтининг иккинчи пассажирлар вокзали — Жанубий вокзал ишлай бошлади. Машинист Ҳабибулла Исамуҳамедов билан унинг ёрдамчиси Сергей Навала янги вокзалдан биринчи составни — 662-номерли «Бухоро» фирма поездини ҳайдаб кетдилар.

Икки миллион аҳолиси бўлган шаҳарнинг энди темир йўл пассажирларига хизмат қилувчи иккита комплекси бор. Марказий вокзалдан аввалгидек пойтахти Сибирь, Урал, мамлакатнинг Европа қисми билан боғлайдиган шимолий йўналишдаги составлар жўнаб кетади ва келиб туради. Андижон — Москва ёки Жалолобод — Фрунзе каби транзит поездлар ҳам шу ерда тўхтайди. Шу бугун ишга тушган янги вокзалдан эса поездлар жанубий йўналиш: Душанба, Красноводск, Китоб, Фарғона водийси, Зарафшон водийсига қатнайди.

Бу янгилик иккала вокзалдаги пассажирларга хизмат қилишни яхшилашдан ташқари Ўрта Осиё темир йўлининг энг серқатнов узели — Тошкент узелидан юк поездлари ўтишини ғоят тезлатишга ҳам имкон беради. Натижада миллион-миллион тонна халқ хўжалик юклари истеъмолчиларга тезроқ етиб боради. Шунинг учун ҳам Тошкентда иккинчи вокзални ишга тушириш мамлакатнинг энг катта йўлларидан бирини реконструкция қилиш ва ривожлантириш борасида ҳозир амалга ошириlaётган катта программанинг муҳим бир босқичи бўлиб қолди.

Шу программага мувофиқ жуда муҳим линияларни электрлаштириш борасидаги ишлар жадаллаштирилади, энг серқатнов йўналишларда иккинчи қатор йўл ётқизилади, станциялар ва депо кенгайтирилади, қуввати оширилган локомотивлар ва бошқа энг янги техника жорий этилади. Программага мувофиқ вокзаллар ҳам кенгайтирилади: кейинги йилларда 20 га яқин вокзал кенгайтирилди ва реконструкция қилинди. Нукус, Марғилон, Андижон, Урганчда янги вокзаллар қурилди: Шу тадбирларнинг ҳаммаси юк ташиш ҳажмини анча кўпайтиришга, вагонлар оборотини тезлатишга, юк поездларининг ўртача вазнини оширишга имкон берди. Бошқа муҳим техника-иқтисодий кўрсаткичлар ҳам такомиллаштирилмоқда.

11 сентябрь куни биринчи поезд жўнаб кетиши олдидан Жанубий вокзалда ўтказилган тантанали митингда мана шулар ҳақида гапирилди.

Митингда Ўрта Осиё темир йўли бошлиғи Н. А. Белогуров, Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. П. Казанцева, 351-қурилиш-монтаж поезди бригадири Р. Саиджонов сўзга чиқдилар. Бу ерда вокзални нормадаги муддатлардан анча ўзиб лойиҳалаган ва қурган «Ташжелдорпроект» институти, 351, 406, 696-қурилиш-монтаж поездлари коллективига миннатдорчилик билдирилди. «Главташкентстрой», «Узстройиндустрия» ва Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарининг, «7-Мостострой» трести, Тўйтепа металл конструкциялари заводи, Тошкент шаҳар ижроия комитети қурилиш ва ободонлаштириш бўлинмалари ва бошқа бир қанча ташкилотларнинг коллективлари темирйўлчиларга катта ёрдам бердилар. Зарбдор объектда ўрнак кўрсатган бир группа илғорлар «Фахрий темирйўлчи» нишони билан мукофотланди.

Ўрта Осиё магистралининг меҳнаткашлари йўл ишини такомиллаштириш режаларида белгиланган ҳамма ишларни шараф билан бажарадилар, деб таъкидлашди нотиқлар. Бу режалар эса жиддийдир. Шу йилнинг ўзидагина 82 миллион сўмлик ишларни бажариш, 30 та ишлаб чиқариш биноларини ва кўплан кўп социал-маиший объектлар — магистраль меҳнаткашлари учун уй-жойлар, хизмат кўрсатиш, дам олиш, соғлиқни сақлаш корхоналарини қуриб битказиш лозим.

Пойтахт Жанубий вокзалини очишга бағишланган тантанали митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Е. А. Айтмуротов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазатов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, В. А. Ҳайдуров иштирок этдилар. **(ЎзТАГ).**

ЯНГИ ҲАЁТ КУЙЧИСИ

Ўзбекистонда атоқли ўзбек совет ёзувчиси Ойбек туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган тантаналар давом этмоқда.

10 сентябрь куни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. С. Сулаймонов номли Қўлёзмалар институтига Ўзбекистоннинг таниқли адиблари ва олимлари келдилар. Улар шоир, адиб, публицист, адабиётшунос олим Ойбекнинг улкан, кўп қиррали истеъдоди тўғрисида, ёзувчи ижодий мероснинг кўп миллатли совет маданиятини ривожлантиришдаги жуда катта аҳамияти ҳақида гапирдилар. Улуғ Октябрь туфайли юзага келган янгиликлари Ойбек зўр истеъдоди билан тараннум этганлиги, совет кишиларининг қаҳрамонлигини, улар ўртасидаги дўстлик ва жипслигини жўшқин куйлаганлиги таъкидланди.

Шу куни республика адибларидан бир группаси Тошкент давлат маданият институтининг ўқитувчилари ва студентлари билан учрашди. Учрашувда ўзбек хассос шоирининг сатрлари янгради. Шеърларни шоирнинг шогирдлари ўқидилар.

Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри ёнидаги майдонда очилган китоб ярмаркасига республика халқ ёзувчиси талантининг қўпдан-кўп ихлосмандлари келишди. Ярмаркага Ойбекнинг бадиий, публицистик ва адабиётшуносликка оид асарлари, унинг ижоди тўғрисидаги тадқиқотлар, республика ёзувчиларининг китоблари қўйилган.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТЛИКЛАР СЪЕЗДОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

БРИГАДИР НАМУНАСИ

Петр Савчук «Главташкентстрой» системасида 20 йилдан бери ишлаяпти. У сидқидилдан қилган меҳнати учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи унвонига сазовор бўлган. Ҳамкасблари унинг катта меҳнат муваффақиятларини, жамоат ишларида фаол иштирок этишини ҳисобга олиб Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлашди. Ҳозир тажрибали мураббий бошчилигидаги бригада смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариб, КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилган ўн биринчи зарбдор ўн кунликни аъло кўрсаткичлар билан якунлади.



Л. Глауберзон фотоси.

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюроси «Тошкент экскаватор заводи бошланғич партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди ва унинг юзасидан қарор қабул қилди.

Шаҳар партия комитетининг бюроси шуни қайд этдики, завод партия комитети КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари, юқори партия органларининг кўрсатмаларига амал қилиб, ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик кўриш, уларга барча коммунистларни жалб этиш юзасидан зарур иш олиб борди.

Ўз составида ўн бир цех партия ташкилоти ва ўн бир партия группасига эга бўлган Тошкент экскаватор заводи партия ташкилоти 238 коммунистни, шу жумладан ўн бир нафар КПСС аъзолигига кандидатни бирлаштирган. Партия комитети составига 13 коммунист сайланган.

Ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш масалаларини Куйбишев район партия комитетидаги семинар машғулотларида олдиндан муҳокама этилди. «Амалий ўйин» шаклида ўтказилган бу семинарларда партия группаларининг ташкилотчилари, завод цех партия ташкилотларининг секретарлари қатнашдилар.

Шунингдек, юқорида қайд этилган масалалар партия комитетидаги секретарлик соатларида кўриб чиқилган. Цех партия ташкилотларининг секретарларига, партия группаларининг ташкилотчиларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида партия ташкилотининг ҳар бир структура бўлинмасига партком аъзолари бириктириб қўйилди. Бу эса цех партия ташкилотларида ва партия группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини актив ва ишчанлик руҳида ўтказиш имконини берди, уларда 105 коммунист сўзга чиқди. Улар 57 та танқидий мулоҳаза, шу жумладан партком шаънига 9 та танқидий мулоҳаза билдиришди. Булар умумзавод партия йиғилиши докладини тайёрлаш чоғида ҳисобга олинди.

Умумзавод ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик бўйича партия комитети катта иш олиб борди. Партия комитетининг маҳсидида муфассал ишлаб чиқилган план тасдиқланди. Унда доклад ва қарор лойиҳасини тайёрлаш учун партком аъзолари ўртасида вазифалар бўлиб берилди, ташкилий масалаларни ҳал этиш учун масъул кишилар белгиланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари олдидан партком аъзоларининг коммунистлар билан суҳбат ўтказиши муҳим аҳамият касб этди. Уларда шаҳар ва район партия комитетларининг масъул ходимлари қатнашдилар.

29 августда бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишчанлик, ўзаро талабчанлик вазиятида ўтди.

Ҳисобот докладида КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларининг бажарилиши масалалари таҳлил этилди. Ишдаги камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди.

Докладда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини реализация қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этди. Йиғилиш қатнашчилари рўй-рост ва принципиал тарада шуни таъкидлаб ўтишдики, ўтган йили партком ишида жиддий хато ва нуқсонларга йўл қўйилди, бунинг оқибатида бир қатор участкаларда коллективни лаёқатсиз кишилар бошқаришди. Улар алдаш ва қўшиб ёзиш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш йўлига ўтдилар. Фақат юқори партия органларининг аралашувидан сўнг завод партия комитети уларни партиявий жавобгарликка тортди.

Партия комитетининг принципсизлиги завод коллективига жуда қимматга тушди. Барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўн биринчи беш йиллик топшириқларидан анча ортда қолишга йўл қўйилди, уларни шу йил охиригача қоплаб бўлмайди. Завод мамлакат халқ хўжалигига беш йиллик бошидан буён 351 та экскаватор ва 1257 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, бошқа маҳсулотлар етказиб бермади.

Бу хатолар коллективдаги маънавий-психологик иқлимга ҳам бундан кам таъсир этгани йўқ. Йиғилиш қатнашчилари коллективда тартибни йўлга қўйиш бўйича кўрилган тадбирларни, ишлаб чиқариш планларини бажаришда, иктимоий ҳаётда рўй берган сезиларли ижобий ўзгаришларни якдиллик билан маъқулладилар.

Коммунистлар ўз сўзларида партиянинг социал-иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштиришга, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга, фан-техника тараққиётининг туб проблемаларини ҳал этишга қаратилган йўлини тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар.

Йиғилишда ишчанликни ошириш, юзакичилик ҳолларига барҳам бериш масалалари принципиал тарзда қўйилди. Шу нарса таъкидландики, завод ишлаб чиқараётган жами маҳсулотнинг 60 проценти меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулига бирлашган ишчилар томонидан тайёрланаяпти. Бироқ, беш кишигача кам аъзоси бўлган бригадалар сони ҳамон юқори, хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган бригадаларни жорий этиш бўш бормоқда.

1-механика цехининг токари Р. Йўлдошев меҳнат интизомини бузиш ҳоллари, баъзи ишчиларнинг ишга кайф ҳолда келишлари ҳақида ташвишланиб гапирди. Фақат икки йил ичидагина заводнинг 60 ходими ҳушёрхонада бўлди. Прогуллар ва бошқа меҳнат интизомини бузишлар учун 109 киши ишдан бўшатилди. Меҳнат интизомини бузишнинг бошқа мисоллари ҳам келтириб ўтилди.

Маъмурият фаолиятини назорат қилиш бўйича сайланган комиссиялар одиб борган ишларни таҳлил этиб, янги техникани жорий этиш планларининг бажарилиши бўйича маъмурият фаолиятини назорат этиш комиссиясининг раиси В. И. Широков ишдаги мавжуд қийинчиликларни рўй-рост кўрсатиб ўтди, баъзи текширишлар юзаки бўлаётганини, оқибатда бу участкаларда ишлар яхшиланган сезилмаганлигини таъкидлади.

Йиғилишда ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг сифати масаласи алоҳида гапсўз бўлди. Ҳар йили сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришдан 180 минг сўмдан зиёд зарар кўриляпти. Бу йил ҳам бу масалалар суст ҳал этилмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари шунга асосий эътиборни қаратишдики, 1986 йилда жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган янги гидравлик экскаватор ишлаб чиқариш мўлжалланган эди. Бироқ, завод хизматлари бунга тайёр эмаслиги оқибатида у 1988 йилга кўчирилди. Бунда партия комитетининг ҳам айби оз эмас.

Касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарликнинг бўшашиб кетганлиги, деб таъкидлади йиғилиш, социалистик мусобақада, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида юзакичиликка олиб келди. Мусобақа якунларини кўриб чиқиш чоғида ҳамиша ҳам янги техникани жорий этиш, меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш, мусобақа иштирокчиларининг турмушдаги юриш-туриши ҳисобга олинаяпти, деб бўлмайди.

Сўзга чиққанлар коллектив умум ишига қўшган ҳиссаларини ўз-ўзини танқид руҳида баҳоладилар. Масалан, аниқ қуюв цехи цех партия ташкилотининг секретари Л. А. Валохина ўз сўзида шуни таъкидладики, цехда айрим партия йиғилишлари коммунистларнинг жуда оз иштирокида ўтмоқда. Асбобсозлик, энергетика цехларининг партия ташкилотлари эса ўз сафларини ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ҳисобига етарлича тўлдирмаётирлар. Ҳолбуки, бундай илғорлар бу ерда оз эмас.

Йиғилишда юқори органлар шаънига бир қатор танқидий мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, шу нарса таъкидлаб ўтилдики, партия, совет органларининг ходимлари завод коллективини ленинча жумаликларда улар билдирган мулоҳазаларни амалга ошириш бўйича кўрилган тадбирлар ҳақида хабардор этмаяптилар.

Йиғилишда жами 20 та танқидий мулоҳаза ва таклифлар киритилди. Йиғилиш қабул қилган қарорда партия ташкилоти ишининг асосий йўналишлари белгиланди. КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш бўйича конкрет вазифалар аниқланди. Шу билан бирга йиғилиш меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техникани жорий этиш учун курашда коммунистларнинг иштироки масалаларини етарлича чуқур таҳлил этмади. Ҳисобот докладида коммунистларнинг бундан аввалги умумзавод ҳисобот-сайлов йиғилишида билдирган танқидий мулоҳазаларини бажариш масалалари ўз аксини топмади. Баъзи сўзга чиққанлар коммунистларнинг активлиги, уларнинг ишлаб чиқаришдаги роли тўғрисида оз гапиришди, улар билдирган танқид фақат хўжалик масалаларига бағишланди. Нотиқларнинг сўзларида ижрони контроль қилиш, ёшлар ўртасида иш олиб боришни ташкил этиш масалалари бўш ёритилди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг бюроси район партия комитетлари зиммасига ҳисобот-сайлов кампаниясининг бориши устидан назоратни кучайтириш, йиғилишларни ўтказишда партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш, коммунистларнинг танқидий мулоҳаза ва таклифларига оператив жавоб бериш, уларни кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш вазифасини юклади.

Шунга эришмоқ керакки, ҳисобот ва сайловлар мобайнида КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми кўрсатмаларига мувофиқ экономика, хўжалик ва сиёсий ишларга партиявий раҳбарлик форма ва методларини қайта кўриш чуқур таҳлил этилсин.

ИНСОН. ЖАМИЯТ. ҚОНУН.

№ 6 (11)

Шаҳар ички ишлар бошқармасининг паспорт бўлими ва район ички ишлар бўлимларининг паспорт бўлинмалари гражданларга қулайлик яратиш мақсадида қандай тадбирлар кўришяпти? Мухбиримиз ушбу савол билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг паспорт бўлими бошлиғи, милиция майори А. А. ҲАҚҚУЛОВга мурожаат этди.

Иш вақтини қадрлайлик

Аҳолига қулайлик

— Бизнинг мамлакатимизда паспорт системаси гражданлар учун энг қулай усулда ташкил этилган, — дейди Акром Анорқулович. — Бинобарин, киши шахсини, гражданлигини кўрсатувчи ҳужжат бўлмиш паспортни қонунчиликда белгиланганидек сақлаш ва юритиш ҳар бир совет гражданининг муқаддас бурчидир.

Биз гражданларни қабул қилиш ишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Чунончи, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш вақтининг беҳуда йўқотилишини қисқартириш мақсадида сентябрь ойидан бошлаб гражданларни қабул қилишнинг янги тартибига ўтилди. Бунда шаҳардаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иш режими ва меҳнаткашларнинг истаклари ҳисобга олинди.

Эндиликда шаҳар Ички ишлар бошқармасининг паспорт бўлими ва район ижроия комитетлари ички ишлар бўлимларининг паспорт бўлимлари гражданларни қабул қилишни қуйидаги тартибда амалга оширяпти: сешанба — соат 9.00 дан 19.00 гача, чоршанба —12.00 дан 21.00 гача, пайшанба —9.00 дан 18.00 гача, жума —10.00 дан 20.00 гача, шанба — 9.00 дан 17.00 гача.

Айни пайтда паспорт бўлинмалари бошлиқларининг қабул вақти барча масалалар бўйича қуйидагича аниқ белгилаб қўйилди: сешанба, чоршанба, жума — соат 15.00 дан 19.00 гача, пайшанба — 9.00 дан 15.00 гача, шанба —10.00 дан 16.00 гача.

— Паспорт масалалари бўйича 1983 йилдан бери амалда бўлган қабул тартиби гражданларга бирмунча ноқулай эди. Масалан, сешанба, чоршанба, жума кунлари қабул соат 12.00 дан 21.00 гача ўтказиларди. Ваҳоланки, бир неча марта ўтказилган текширишлар ва практика шуни кўрсатдики, гражданлар соат 18—19 дан кейин паспорт хизматига камдан-кам ҳоллардагина мурожаат этишади. Соат 12 дан 15 гача ва соат 16 дан 18 гача эса одам кўп бўлади. Натижада навбатда туриб қолишарди.

— Демак, эндиликда паспорт бўлинмаларида навбатда туриб қолиш камаяди...

— Дастлабки кунлардаги иш натижалари янги қабул вақтининг афзаллигини кўрсатиб турибди.

Биз айни пайтда ходимларимизнинг масъулиятини оширишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтиряпмиз.

Суҳбатни М. МУРОДОВ олиб борди.

• ФОТОРЕПОРТАЖ

ХАЛҚ ДРУЖИНАСИНИНГ ИШ КУНЛАРИ

«Оқшом» Собир Раҳимов районида халқ дружиналари ишини ташкил этиш борасидаги қизиқарли тажриба ҳақида хабар қилган эди. Бу ерда ягона профилактика кунлари мунтазам ўтказиляпти. Кечки навбатчиликда район партия комитети ходимларидан тортиб, ҳамма чиқади. Бу ижобий самара беряпти.

Куйбишев районида эса ҳозирча ҳуқуқбузарликни йўқотиш борасидаги ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Очиғини айтганда, ҳали бу ерда анчагина иш қилинмоғи лозим. Лекин, айни пайтда, бу ерда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари талаб этганидек, жамоатчилик фаолиятининг ана шу муҳим томонига ишчанлик, талабчанлик билан ёндошув кучаймоқда. Ўйлаш мумкинки, ижобий тажрибани ўзлаштиришга бўлган интилиш иш самарадорлигини оширишга, муайян натижаларга эришилишига ёрдам беради.

Халқ дружиначиси — унинг фаолияти фақат қуруқ ҳисоботлар билан баҳоланмайди. Қизил боғичли кишиларнинг ишида шундай пайтлар ҳам бўладики, улар протоколга кирмай қолиши мумкин.

Айтайлик навбатчиликка чиқишди: гитарани тингирлатиб шовқин солиб қўшиқ айтаётган ўсмирлар билан суҳбатлашишди, «яримта» илинжида юрган ичкиликбозни изза қилишди, паркдаги рақс майдончасига кириб, кимдир безорилик қилмаётганмикан текширишди. Булар майда нарсалардай туюлиши мумкин. Лекин Куйбишев район кўнгилли халқ дружиналари штабидаги тартиб бузилишларининг олдини олиш бўйича машаққатли ишлар ана шулардан таркиб топади.

Жамоатчилик билан ҳамкорлик хизмати инспектори С. Султонов ҳар оқшом район картаси ёнида инструктаж ўтказади. Қайси кўчалар, қайси ҳовлиларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайди.



Кўп нарса дружиначига боғлиқ. Бир куни масалан, участка вакиллари Ю. Ненашев ва Г. Липартия жамоатчиликнинг икки вакили билан кечқурун ўз участкасини айланиб чиқаётган эди. Бирдан халта-хулта кўтарган шубҳали кишиларга дуч келиб қолишди. Ҳужжатларни ва халталарни текширишга аҳд қилишди. Шубҳали кишилар эса қоча бошлашди. Дружиначилар ва милиция лейтенантининг эпчиллиги натижасида уларни уй подъездида қўлга туширишди. Халтада кесма қурол ва монтировка бор эди. Хавфли жиноятчилар квартира ўғирлашга кетишаётган, бунгача бир қанча жиноятлар содир қилишган экан.

Кўнгилли халқ дружиначиларининг аъзолари ўзларининг бош вазифаларини тартиб бузилишларнинг олдини олишда деб билиб, оқшом пайтлари кафе, ресторанлардаги аҳволни текширишни ҳам эътибордан четда қолдиришаётгани йўқ. Бир куни экспресс-барга киришди. Уларнинг эътибори балоғатга етмаган қизга тушди. У чекар, ҳаддан ташқари қаттиқ куларди. Кейинроқ маълум бўлишича, Н. уйидан магнитофонни яширинча олиб чиққан, сотган ва энди тушган пулни олди-орқасига қарамай сарфлаётган экан. Н.нинг ахлоқи ва турмуш тарзи дружиначиларнинг назорати остига олинди.

Хўш, ота-оналар ўз эркатойларини ёмон таъсирдан асраш учун қандай чоралар кўришган? Афсуски, халқ дружинаси ишини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, кўпгина жиноятларнинг илдизи ўсмирларнинг қаровсизлигига бориб тақалади.

Халқ дружинаси ўз ишидаги камчиликларни бартараф эта оладими? Кўнгилли халқ дружиналари фаолиятини назорат этиш бўйича район ижроия комитети инструктори С. Косеев ушбу саволга ўйлаб жавоб берди. Чунки саволга бир томонлама жавоб бериш қийин. Ўзга киши кимнингдир тақдирига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши қийинда! Айни пайтда милиция кўнгилли ёрдамчиларининг лаёқатига кўп нарса боғлиқ, Бу борада ҳали ҳамма омиллардан тўла фойдаланилаётганича йўқ. Штаб ихтиёридаги кучлар оз эмас. Ҳар куни дружиначи боғичи ва нишонларини таққан юзлаб йигит ва қизлар тунги навбатчиликка чиқишади. Оператив комсомол отрядининг кўнгилли халқ дружинаси аъзолари орасида чинакам ташаббускорлар бор. Тошкент трактор заводи ишчилари В. Исмоилов, В. Мнацаконян, Г. Бондаренко ва бошқалар шулар жумласидан. Улар бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Ҳар бир микрорайонда намунали жамоат тартиби ўрнатилиши ҳақида қайғуришяпти. Афсуски, ҳамма коллективларда ҳам ишга юзаки ёндошиш барҳам топганича йўқ.

Бундай камчиликлар жиддий таҳлил этилаётганини айтиб ўтиш лозим. Халқ дружинасини мустаҳкамлаш масалаларига юксак талабчанлик билан ёндошилаяпти. Масалан, «Узбекхлопкомаш» бирлашмаси, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини олайлик. Буларда навбатчиликка чиқаётган одамлар сони оз эмасга ўхшайди. Лекин улар ўзларини ҳақиқий дружиначи сифатида ҳис этишяптими? Ёки ўз фаолиятларига шунчаки бир тадбир сифатида қарашяптими? Бу ғоят муҳимдир. Афсуски, ана шу коллективлардаги дружиначилар рўйхатида турганларнинг кўпларида гувоҳнома йўқ.

Шунга қарамай, энг муҳими, дружина кучга тўлиб бораётганини кўрмаслик мумкин эмас. Унинг ҳуқуқ муҳофазаси органларига фаол ёрдами шундан кўринадики, бир қатор микрорайонларда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш қисқарди, тарбияси оғир ўсмирлар ўз ахлоқлари ҳақида жиддийроқ ўйлайдиган, армия хизматига фаол тайёрланадиган бўлиб қолишди. Ижобий мисоллар анчагина. Булар катта ва қийин ишнинг бошланишидир.

СУРАТЛАРДА: ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентлари навбатчиликка яхши кайфият билан чиқишди; Кўнгилли халқ дружиналари штаби ва район милиция бўлими ходимлари навбатчиликка чиқиш олдидан инструктаж ўтказишади; навбатчиликка тайёргарлик кўриляпти.

Т. Каримов фотолари.

• Фактлар устида ўйлар

Фол очиш баҳонасида...

Бизнинг фан-техника тараққиёти авж олган асримизда қандай мўъжизалар бўлмайди дейсиз! Кимдир коинотга йўл очиб, кимдир океан тубига тушиб, кимдир — зарралар сирини ўрганиб кашфиётлар қилади.

Лекин ўз квартираси остонасидан хатлаб ўтмай ёки кўчага чиққан заҳоти каромат қилишга қодир шахслар ҳам бор. Қўл остида карта ёки бошқа фол очиш «ашё»си бўлса бас. Қуйида ана шундайлар ҳақида сўз боради.

«Соат 20 ларда «ТТЗ-2» массивидаги гастроном ёнида икки нотаниш аёл картада фол очиш баҳонасида Луначарское шоссесида яшовчи уй бекаси, 31 ёшли Татьяна Ш.нинг тақинчоқлари ва 50 сўмини олиб қўйиб яширинишди», — дея хабар қилди оператив маълумот.

Ҳодиса содир бўлган жойга зудлик билан етиб борган оператив группа айбдорларни топмади: жабрланувчи фирибгарлар қочиб кетиши мумкин бўлган гоҳ у томон, гоҳ бу томонни талмовсираб кўрсатар ва «Уйдагиларга нима дейман?» деб такрорларди. Чиндан ҳам, очиғини айтганда, жинояткорона меровликни қандай тушунтириш мумкин?

Ёшлик ва тажрибасизлик дейишга асос йўқ, жабрланувчи балоғат ёшида. «Сеҳрли» қора кўзларга тикилиб, уларнинг макрига ром бўлиб қолган дейиш ҳам қийин. Машҳур эстрада қўшиғидаги «қироллар ҳам бўзраиб туриб ёлғон гапиради», деган сўзларни ким билмайди дейсиз.

Бизнинг давримизда буни саводсизлик билан тушунтириш ҳам қийин. Бинобарин, биринчидан, саводсизлик аллақачон тугатилган, иккинчидан... Иккинчидан, шаҳар бўйича бошқа кунги маълумотдан сатрлар келтиришга тўғри келади: «Соат 17ларда «Ўзбекистон» меҳмонхонаси яқинида лўлига ўхшаш нотаниш аёл фол очиш баҳонасида Тошкент Давлат медицина институти студенти, 1965 йилда туғилган Ҳалима Х.нинг соати, зираги ва сариқ металлдан тайёрланган узугини олиб қўйган ва яширинган». Ҳа, кўчадаги хийлагарларнинг «мижоз»лари орасида студентлар ҳам, инженерлар ҳам, экономистлар ҳам, бошқа анча маълумотли кишилар ҳам бўлишади.

Одамларнинг психологиясини, айниқса, хотин-қизлар психологиясини аъло даражада билувчи тажрибали фирибгарлар ўз мижозининг кийим-кечагини мақташни, соҳибжамолсан деб қўйишни, узоқ умр тилашни ва «қиролларча» бахтли ҳаёт кечиришни ваъда қилишни унутишмайди. Фол очиш одатда беш тийинликдан бошланади. Кейин эса атрофга кўз югуртириб, ҳеч ким эътибор бермаётганига ишонч ҳосил қилингач, гап жиддий ваъдаларга бориб тақалади. Хаёлий омадлар эвазига ҳақиқий бойликлар шилиб олинади.

Айтиш керакки, фолчиларнинг маълумоти ҳамманикидан паст. Ажабланарли жойи шундаки, уларнинг аксарият мижозлари ёшлар бўлиб, одатда маълумоти ҳам анча юқори.

Буларнинг ҳаммасига ким айбдор? Айрим жабрланувчиларнинг фикрича, иш жойининг тайини йўқ кишилар айбдор, уларни шаҳардан чиқариб юбориш ва шаҳарга киритмаслик лозим. Тўғри, қаёққа чиқариб юборишни ҳеч ким айтмайди. Лекин: «Қаёққа бўлса ҳам барибир, биздан нари бўлса бас» дейишади. Бошқаларининг фикрича, милиция айбдормиш, назорат этмасмиш, куппа-кундузи фирибгарлик қилишга йўл қўйиб берармиш.

Жабрланувчиларнинг ўзлари эса ўз айбларини билмай қолибман, ўйламагандим, истамагандим... каби сабаблар билан қатъий инкор этишади. Савол туғилади: уларни ким мажбур этади? Фирибгарнинг домига тушишдан олдин яхшилаб ўйлаш керак эмасми? Кейин «ёрдам беринг», «милиция қаёққа қараяпти» дейишга ҳожат қолмайди.

...Столга навбатдаги маълумот қўйилди. Кейингиси ким экан?

Г. ФИЛИППЕНКОВ, Тошкент шаҳар прокурори, юстиция катта маслаҳатчиси.

ТО ГАИ ОЙНАСИ

Ҳажв ўти остида

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида газеталар саҳифаларида деворий матбуотда ҳажвий расмлар, танқидий фотосуратлар ёрдамида социал хавфли иллатни фош этиш алоҳида аҳамиятга эга.

«Т. О.» ва ГАИ ойнаси» — янги рубрикамиз шундай деб аталади. Унда босилган материаллар ГАИ шаҳар бошқармаси биноси ёнига қўйилган махсус фотостендда намойиш этилади. Стенд ҳар ҳафтада редакция ходимлари ва шаҳар Давлат автоинспекцияси материаллари асосида тайёрланади. Айтиб ўтайлик, ўтган ҳафтада транспортни маст ҳолда бошқарган 48 ҳайдовчи ушланган бўлиб, уларга нисбатан энг қаттиқ маъмурий чоралар кўрилади.

Ленин райпишчеторги ҳайдовчиси Иван Божков «ГАЗ—52» «69—37 ТНЖ» номерли автомашинани маст ҳолда бошқаргани учун ҳайдовчилик ҳуқуқидан 2 йилга маҳрум этилди.

◆ Баъзан ҳайдовчилар масъулиятдан қочишга интилиб, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган, бунинг устига маст ҳолдаги шахсларга беришади. 2521-автоколонна ҳайдовчиси **Анатолий Фоменко** шундай қилди.

◆ Маст ҳайдовчилар орасида раҳбар ходимлар ҳам учрайди. Хизмат бурчига кўра ўзи ичкиликбозликка қарши фаол курашиши лозим бўлган Фрунзе район соғлиқни сақлаш бўлими мудири **Шоқосим Шоабдукаримов** отпускада бўлган пайтда, 25 август куни спиртли ичимлик олдида нафсини тия олмади. Бунинг оқибатида ««А28—40 ТН» номерли «ВАЗ—21011» шахсий автомашинасини бошқариб борар экан, ГАИ инспекторининг тўхташ ҳақидаги сигналига бўйсунмади. Жўнаб қолмоқчи бўлди-ю, лекин қўлга тушди. Қанча ичгани сўралганида: «Фақат бир шиша пиво» дея жавоб қилди.

◆ Акмал Икромов «Райгаз»и бошлиғининг ўринбосари **Юнус Мақсудов** юз грамм коньяк ичиб, «40—20 ТНХ» номерли шахсий «Москвич»ининг рулига ўтирди. Уни ярим кечада Х. Турсунқулов кўчасида ушлашди.

Маст ҳолда ушланган ҳайдовчилар орасида «Чинобод» шифохонасининг омбор мудири **Нурмуҳаммад Турсунбоев**, 5-техника хизмати кўрсатиш станцияси мотористи **Тўлаган Матхолиқов**, «Узплодоовощвинпром» ҳайдовчиси **Анатолий Белохотюк**, 3-нон заводи ишчиси **Абдувосиқ Ғаниев**, 145-АТП ҳайдовчиси **Владимир Сидоров** ва бошқалар бор.

Уларга нисбатан қаттиқ маъмурий таъсир чоралари кўрилди. Ўйлаймизки, мастлик билан машина бошқариш ишқибозларининг ахлоқини улар меҳнат қилаётган коллективларда муносиб баҳолашади. Бу бошқаларга яхшигина сабоқ бўлади.

Ғ. БОЛТАБОЕВ.

СУРАТДА: стенд олдида.

• Инсон, йўл, автомобиль

«ҲОЖАТБАРОРЛАР»

ЁКИ БЕРИЛАЁТГАН ХАРАКТЕРИСТИКАЛАР УЧУН РАҲБАРЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ҲАҚИДА

Ҳаммамизга таниш манзара. Сиз Тошкентга ярим кечада учиб келдингиз дейлик. Ҳатто навбатчи автобуслар, троллейбуслар йўқ. Такси бекати бўм-бўш. Нима қилмоқ керак? Қандай жўнаб кетиш мумкин? Тезроқ уйингизга етиб олишингиз керак. Саросимада турганингизни кўриб ёнингизга бир йигит, ёши каттароқ киши қўлидаги калитларини шиқиллатиб келади.

— Қаёққа борасиз? — сўрайди у бепарволик билан.

Борадиган жойингизни айтасиз. У эса ўйлаб-нетиб ўтирмай, йўл ҳақини айтади. Сиз эса ўйлаб қоласиз, чунки таксига нисбатан уч баравар кўпроқ сўраган бўлади.

Кўпчилигимиз шундай аҳволга тушганмиз. Хусусий машина эгаси, очиғини айтганда, давлат транспорти ҳайдовчилари ҳам такси ёки автобусга чиқа олмай қолган пассажирга ўз «хизмат»ларини таклиф этишади. Улар ҳеч уринмай ортиқча бир сўм топиш учун ўзларини ҳар кўйга солишади.

Эски аэропортдан янгисига қандай етиб бориш мумкин? Бу савол тошкентликларга кулгили туюлади. Бинобарин, машинанинг нима ҳожати бор, оралиқ масофа бор-йўғи 250—300 метр холос. Пиёда бориш мумкин.

Лекин Тошкент аэропорти ходими Лев Абрамович Любимский шу масофани машинада босиб ўтиш ва пассажирдан 8 сўм олишнинг йўлини топди. Ана шу пулга таксида 40 километр йўл юриш мумкин.

Одамини топибдида, деб кулишингиз мумкин. Ҳа, ҳарбий хизматчи П. Барноев эски аэропортдан янгисига етиб олиш учун «29—07 ТНР» номерли «Москвич-412» автомашинаси ҳайдовчисига 8 сўм берганини тушунтириш хатида очиқ-ойдин ёзиб қўйибди. Бунақа Любимский кабилар битта-иккита эмас. Агар сиз уларнинг башарасини кўрмоқчи бўлсангиз аэропортга, темир йўл вокзалига, шаҳардаги исталган автостанцияга келинг ёки шунчаки кўчага чиқиб, қўлингизни кўтарсангиз бас.

Гражданин К. Алимбоев қўл кўтармади. У «Тошкент» автостанциясидан аэропортгача олиб бориб қўйишларини сўраб, ялиниб-ёлворди. Чунки унинг ёнида чақалоғини кўтариб олган рафиқаси бўлиб самолётга кечикишаётганди. Бошқа транспорт бўлмагани учун у «48—07 ТНЧ» номерли «ВАЗ—2101» автомашинаси ҳайдовчисига мурожаат этди.

— Беш сўм берсанг олиб бораман. Камига бўлмайди.

Алимбоев чорасиз эди, кўнди. «Жигули» ҳайдовчиси А. Сулаймонов «мижоз»идан пулни олаётганида давлат автоинспекцияси ходими, милиция катта лейтенанти И. Бобоназаровнинг эътиборидан четда қолмади. ГАИнинг иккинчи ходими, милиция кичик лейтенанти Ш. Шотемиров пассажир билан суҳбатлашаётганида Бобоназаров ҳайдовчининг ёнига ўтирган эди, димоғига салондан спирт ҳиди урилди.

Ҳайдовчининг тушунтириш хатидан: «Ишдан кейин дўстларим билан уйга жўнадик. Йўл-йўлакай улар билан биргаликда 100 грамм ичдим. Шундан кейин ўртоқларим аэропортда қоладиган бўлишди. Мени шу ерда милиция ходимлари ушлашди».

Тушунтириш хати ҳақиқатдан йироқ, у маст ҳолда рулга ўтиргани тўғри, холос. У аэропортда 18.30 да ушланди. Ўттиз минут А. Сулаймонов ўзи касаба союз комитети раиси бўлиб ишловчи Қибрай пиво заводидан «Тошкент» автостанциясигача боришга, у ердан пассажир олиб, аэропортгача етиб келишига етмаса керак.

Касаба союз комитетининг раиси хусусий автомобилида чой-чақа ишлаб олишга уялмас экан, қишлоқ хўжалиги институти доценти В. Баришев уялармиди. У уч сўмга бир пассажирни Чилонзордан «Тошкент» автовокзалигача олиб борди. Шу куни 25-музика мактаби ўқитувчиси Ю. Тепляшин ҳам ушланди. У тўрт сўмга бир пассажирни Олой бозоридан аэропортга элтиб қўйганди.

Педагоглар ўртасида мўмай пул ишлаб олиш истаги кўпроқ эканини айтиб ўтмоқ лозим. Ушланганлар орасида Тошкент политехника институти доценти Х. Алибоев, 192-мактаб ўқитувчиси Ю. Дадабоев, 18-ГСПТУ мастери С. Кузаков, Тошкент театр ва рассомлик институти ўқитувчиси Н. Пискашев, Фрунзе район маданият уйининг бадиий ўқиш тўгараги раҳбари Б. Жуманиёзов бор.

Мўмай пул ихлосмандлари орасида корхоналар, автохўжаликларнинг инженер-техник ходимлари, айнан автотранспортнинг техник ҳолатини, ҳайдовчиларнинг интизомини назорат этиши керак бўлган кишилар ҳам бор. Чунончи, темир йўллари министрлиги узел автобазасининг катта механиги А. Бабинский, соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси автобазасининг навбатчи механиги М. Қулиев шулар жумласидандир.

Кези келганда, медицина муассасаларига хизмат кўрсатувчи ҳайдовчилар ҳақида алоҳида гапириб ўтиш лозим. Ахир улар беморларни, медицина ходимларини, дори-дармонларни ташиши керак бўлган автомобилларни бошқаришади. Амалда эса улар иш вақтида «сўл»га оғиб кетишади. Қисқа вақт ичида ГАИ ходимлари томонидан шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг автобазаси ҳайдовчилари: В. Художников, Т. Тўхтаев, О. Сидирокулов, Соғлиқни сақлаш министрлиги автобазасидан: А. Саидов, Б. Рябчук, Ю. Кривов, А. Кульматов, А. Убиков, соғлиқни сақлаш министрлигининг 4-Бош бошқармаси автобазасидан: О. Цямирн, В. Мареев, 2-темир йўл поликлиникасидан — А. Циганьков ушландилар.

Бунга иш куни давомида рулда ўтириши керак бўлган давлат транспорти ҳайдовчиларигина эмас, балки автомашинага билвосита алоқадор бўлган, ишлаб чиқаришга ва ўз қўл остидагиларга раҳбарлик қилиши керак бўлганлар ҳам йўл қўйишяпти. Улар орасида тўқимачилик комбинати цех бошлиғи Е. Трофимов, «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси сектор мудири М. Эрматов, «Узглавхлоппром» марказий лойиҳа-конструкторлик бюросининг бўлим бошлиғи В. Ежов, «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти раиси Р. Қамбарбеков, пластмасса буюмлари заводи конструкторлик бюросининг бошлиғи В. Ларичев, экскаватор заводи техника назорат бўлими бошлиғи А. Иноғомов, консерва заводи электр цехининг бошлиғи Р. Абдуллаев, «Главташкентстрой» нинг «Строймеханизация» тресті бош технологи А. Камолов, «Миконд» заводи диспетчери Б. Маҳмудов бор.

Милиция органларининг бундай фактлар ҳақидаги хабарига коллективлар қандай қарашяпти? Мана, қўлимизда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедраси йиғилишининг протоколидан кўчирма. Сиёсий иқтисод кафедраси доценти В. Баришев муҳокама этилди. Ҳамкасблари унинг қилмишини қаттиқ қоралашган ва жазо чорасини юмшатишни сўрашган. Нима учундир кафедра КПСС аъзоси В. Баришевга характеристика бермаган. Шу боисдан бўлса керак у бошқа ташкилотга ҳавола этилган характеристиканинг иккинчи нусхасидан фойдаланибди. Яъни, ташкилот номи қиртишлаб ўчирилиб, «ГАИ автоинспекциясига» деб ёзиб қўйилган. Характеристиканинг берилиш вақти ҳам ўзгартирилган. Институт раҳбарлари ана шу «деталлар»га эътибор беришларини жуда истардик.

«Главташкентстрой» нинг «Строймеханизация» тресті бош технологи А. Камоловнинг қилмиши коллективнинг 67 киши қатнашган умумий йиғилишида муҳокама этилибди. Қабул қилинган қарорда маъмурий органлардан А. Камоловни жазоламаслик, уни огоҳлантириш сўралади ва бундай аҳвол такрорланган тақдирда ҳамкасблари томонидан қаттиқ қораланиши таъкидланади.

«Строймеханизация» трестидаги ўртоқларга эслатиб ўтишни истардикки, Камоловнинг қилмишлари Ўзбекистон ССР жиноят кодексида кўзда тутилган бўлиб, бойлик орттириш мақсадида гражданларнинг хусусий машиналарда пассажирлар ва юкни мунтазам суратда ташиш ёки ана шу мақсадда машинани арендага бериб қўйиш бир йил муддатгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч юз сўмгача жарима билан жазоланишга, транспорт воситасини икки йилгача бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Фикримизча, соғлиқни сақлаш министрлигининг автобазаси раҳбарлари ўз ҳайдовчиларининг қилмишига принципиал баҳо беришмади. Ҳайдовчилар Б. Рябчук ва М. Плехановга берилган характеристикалар ва йиғилиш протоколлари икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш, фақат фамилиялари ўзгартирилган бўлиб, автобаза директори В. Иброҳимов, касаба союз комитети раиси Л. Ўлмасов, колонна бошлиқлари — биринчи ҳолда Ф. Абраменков, иккинчи ҳолда С. Тўлаганов томонидан имзо чекилган. Характеристикаларнинг объективлиги учун ушбу корхоналарнинг раҳбарлари жавоб беришлари керак. Табиийки, Соғлиқни сақлаш министрлиги автобазасида бундай вазиятда автомобиллардан фойдаланиш коэффициенти юксалмайди, хизмат юзасидан шикоятлар тушаверади.

Жамоат транспорти, таксининг иши яхши йўлга қўйилмас экан, аҳвол яхшиланиши қийин. Юк ва пассажирлар ташилишини таъминлаши лозим бўлган автотранспорт хўжаликларининг ишидаги нуқсонлар «ҳожатбарорлар»га кўп келяпти.

Р. КЛЕВЛЕЕВ, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ГАИ бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция подполковниги.

• «Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«Рулдаги бадмастлар»

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг 1985 йил 24 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида рейд материали босилган эди. Автомобилни маст ҳолда бошқаргани учун ходимлари танқид қилинган турли корхона ва ташкилотлардан жавоблар олинди.

Чунончи, республика алоқа министрлигининг 1-алоқа автотранспорт корхонасидан автокорхона директори Т. Маҳкамов ва бошланғич партия ташкилоти секретари Х. Насивалиев имзоси билан жавоб олинди. Унда ёзилишича, ишлаб чиқариш-техника бўлимининг собиқ бошлиғи **И. Солдатовнинг** қилмиши очиқ партия йиғилишида кўриб чиқилди. Маст ҳолда автотранспортни бошқаргани, шунингдек ГАИ бошқармасига автокорхона директори ва бошқа мансабдор шахсларнинг сохта имзоси билан бўлиб ўтмаган йиғилишнинг қалбаки протоколини тақдим этгани учун И. Солдатовга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

●

Шу материалда Тошкентдаги 4-автобус паркининг омбор мудири **Б. Галушкиннинг** фамилияси келтирилган эди. Автопарк директори М. Тўлаганов ва касаба союз комитети раиси К. Ғуломовнинг имзоси билан жавоб олинди. Танқидий материал 4-АТП коллективи йиғилишида муҳокама этилган, Б. Галушкиннинг ахлоқи қаттиқ қораланган. Унинг меҳнат отпускасини қиш даврига кўчириш, 1985 йил учун мукофотдан маҳрум этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

●

Тошкент область қурилиш банки конторасидан жавоб олинди. Мақола коллектив партия йиғилишида муҳокама этилди. Лойиҳа бўлими бошлиғи, коммунист, мақолада номи келтирилган **С. Абдуқодиров** бир йил автотранспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди, унга қаттиқ виговор эълон қилинди.

●

Ўзбекистон Бош дорихоналар бошқармасининг марказий дорихона омбори гаражи ходимларининг умумий йиғилиши протоколи олинди. Маълум қилинишича, автотранспортни маст ҳолда бошқаргани учун мақолада номи келтирилган ҳайдовчи **Н. Алисманов** хусусида қарор қабул қилиниб, унга қаттиқ виговор эълон қилинди ва у кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилди.

Бизнинг Ойбек 80

АТОҚЛИ АДИБ ОЙБЕКНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ БУГУН МОСКВАДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА. УНИНГ БУЮК ИЖОДИ БУГУНГИ КУНДА ҲАҚЛИ РАВИШДА БУТУН СОВЕТ АДАБИЁТИНИНГ БЕБАҲО МУЛКИГА АЙЛАНГАН.

ҚУЙИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАЁТГАН МАТЕРИАЛЛАР АДИБНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА БАҒИШЛАНАДИ.

Бизнинг фотоархивимиздан

Атоқли адиб Ойбекнинг қардош халқлар адабиёти забардаст намояндалари К. Симонов, Н. Тихонов, В. Луговской билан самимий дўстлиги ўзбек миллий адабиёти ривожи учун хизмат қилди.

СУРАТДА: Ойбек В. Луговской билан суҳбатда.

Китоб жавонингизга

Шоир лирикаси

Ойбек лирикаси дурдоналарини ўз ичига олган янги китоб «Абадият ва умр» деб аталди.

Атоқли адиб ва шоир Ойбек учун шеърият нафосатнинг энг олий ва нозик соҳаси эди. Шоир ҳар бир даврнинг ўзига хос проблемаларига «лаббай» деб жавоб берди. Гражданлик лирикаси, сиёсий лирика унинг ижодида асосий мавзу бўлиб қолди.

Ойбек рус шеъриятига кўп мурожаат қилган, ундан баҳра олган ижодкор эди. У ўзининг шеърларидан бирида «Шоир — нур, ақлга, ҳақиқатга ёр» деб атаган эди. Шунинг учун ҳам унинг нур ва ақл билан тўла лирикасида баҳор осмонидек шаффоф ва офтоб каби порлоқ туйғулар мавж уриб туради.

Ҳаммаси бўлиб мазкур китобга севимли шоиримизнинг 46 дан ортиқ лирик шеърлари киритилган.

Китобни тузувчи ва сўз боши муаллифи филология фанлари кандидати Наим Каримов.

Мазкур тўплам атоқли адиб таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда шеърият ихлосмандларига ўзига хос туҳфа бўлди.

С. АЗИМОВА.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Академик Ойбек беқиёс улкан тадқиқотчилик қудратини намойиш қилди... Автор XV аср оламига бехтиёр сингиб кетди... Романнинг улкан аҳамияти шундаки, Навоийга хос ҳамма хусусиятлар унда бизгача етиб келган жамики тарихий манбаларга чуқур асосланган ҳолда кўрсатилади. Роман ғоят ёркин бадиий фазилатлари билан диққатга сазовор.

Е. Э. БЕРТЕЛЬС, академик.

●

Чинакам халқ ёзувчиси бўлган Ойбек совет адабиётининг шуҳратини оширишга кўп хизмат қилди. Турмушда ҳамроҳинг бўлгани яхши. Мен чин инсон ва ёзувчи Ойбекни ўзимнинг ҳамроҳим деб ҳисоблайман. У ҳақиқатни зўр бериб қидирди ва бу ҳақиқатни революциядан, совет ҳокимиятидан топди.

Николай ТИХОНОВ.

●

Бу ерда, бизнинг олдимизда совет адабиётининг жонли классиги ўтирибди. Менинг назаримда, Ойбек ҳамиша ўзбек адабиёти муваффақиятларининг рамзи, бутун кўп миллатли совет адабиёти равнақининг жонли намунаси бўлиб кўринади.

К. ЗЕЛИНСКИЙ, танқидчи.

●

Ойбек замон талабини ғоят ўткир ҳис билан сезаётган зўр санъаткордир.

К. ДЕРЖАВИН, таржимон.

●

Мен шу мезбоннинг теран фикрли шеърларидан, «Ўч», «Темирчи Жўра» достонларидан ва «Қутлуғ қон» романидан бехабар эдим, лекин манглайи кенг, сал жингалак сочига оқ оралаган, кўзлари чақноқ, барваста бу кишининг жаҳон адабиётининг улкан намояндалари Гётенинг «Фауст»ини, Пушкиннинг «Евгений Онегин»ини ўзбек тилида гапиртирганига сира шубҳа қилмасдим.

Мен ўша пайтда рўпарамда йирик иқтисодчи, социолог, файласуф, «Жангнома» ва «Минг бир кеча»ни ёддан биладиган қадимги адабиёт мухлиси, бир неча йилдан сўнг «Болалик» номли автобиографик асар ёзиб, унда қозоқ элига меҳр-муҳаббатини баён этиб, китобхонларни Қозоғистоннинг бепоён чўлларини, элатларини, мунгли тарихини севишга даъват этувчи улуғ инсон ўтирганини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Анвар ОЛИМЖОНОВ, қозоқ ёзувчиси.

«Мен артистлар бригадаси билан бирга фронтга борган бўлсам ҳам, у ерда бригададан ажралиб қолдим. Чунки фақат шароитни, кишиларни чуқур ўрганибгина жангчи ва командирларнинг қаҳрамонлиги ҳақида асар ёзиш мумкин эканлигини англадим ва фронтда уч ой қолиб кетдим...»

Ушбу сатрлар буюк ўзбек адиби Ойбекнинг таржимаи ҳолидан. Таниқли адабиётшунос олим Наим Каримовнинг биз оқшомхонлар эътиборига ҳавола қилаётган қуйидаги хотиралари эса адибнинг фронтдаги кечинмалари ҳақида ҳикоя қилади.

ОЙБЕК ФРОНТДА

1942 йилнинг кеч кузи. Дов-дарахтларнинг барглари аллақачон сарғайиб, ўқ теккан қушлардек кўча-кўйларни тўлдириб ётибди. Кетма-кет савалаб ўтган ёмғир уларни тупроқ, тўғрироғи лой билан тўлиб-тошган кўчаларга обдон шаббалаган. Яқинлашиб келаётган қишнинг нафаси теварак-атрофда кезиб юрибди.

... Поезд юриб кетди. Кузатувчиларнинг оқ йўл тилаб силкинган қўллари ҳам кўринмай қолди. Ҳамроҳларнинг чуввос овозлари алламаҳалгача тинмади. Ниҳоят, улар ҳам чарчади шекилли, вагонга сукунат чўкди. Энди поезднинг бир маромда темир излар оша, тарақа-туруқ қилиб бораётган овози янграй бошлади. Қудратли ғилдираклар ҳаракатидан келаётган бу овоз Ойбекни хаёлга чорлади.

Адиб назарида, ўқ сингари учаётган поезд фронт чизиғига яшин тезлигида етиб оладигандек шиддат билан борар эди. Аммо кўп ўтмай, у ўз йўлини муҳимроқ ҳарбий юклар ортган эшелонларга бўшатиб, катта ва кичик станцияларда узоқ турадиган бўлди. Ниҳоят, ўн беш-ўн олти кун деганда, пойтахт бўсағасига кириб борди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Эсон Раҳимов раҳбарлигида агитацион-бадиий бригада ҳайъатида Муҳаммаджон Мирзаев, Саид Алиев, Дадаали Соатқулов, Турғун Каримов, Тамара Назарова, Зайнаб Полвонова, Турсуной Маҳмудова сингари ўн тўрт нафар санъат аҳли бор эди. Илк ўзбек бадиий бригадаларидан бирини ташкил этган бу группа Москва остоналарида жанг қилаётган ўзбек жангчилари ҳузурига бориб, уларга ўзбек халқининг совға-саломини топширишлари ва маданий хизмат кўрсатишлари лозим эди.

Олти-етти вагондан иборат эшелоннинг бир вагонида бригада аъзолари, қолган вагонлар эса совға-саломлар: Ўзбекистон боғларида етишган мевалар, кийим-кечаклар, китоблар, ўқувчи қизларнинг ўзбек жангчилари номига ёзган мактублари билан тўла эди.

Ойбек ҳали Тошкентда экан, душман самолётларининг Москвани бомбардимон қилгани тўғрисида кўп эшитган, шунинг учун ҳам у пойтахтни вайрон ҳолда кўраман, деб ўйлаган эди. Чиндан ҳам, поезд шаҳар ичига кириб борар экан, урушнинг даҳшатли излари аён кўзга ташланади. Ҳар жой-ҳар жойда бомбалар зарбидан қулаган вайрона уйлар, бурқсаб тутаётган ўрмону култепалар, мажақланган тўплар, машиналар уюми ётарди.

— Дадаали,—деди ҳаяжон ва нафратдан титраган овоз билан Ойбек — бу урушнинг арвоҳи! Инсон зоти кўрмаган даҳшатлар ҳали олдинда!

Орадан бир неча кун ўтгач, бадиий бригада Москва атрофида жойлашган ҳарбий қисмлар билан учраша бошлади. Бундай учрашувларга келган ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, тожик жангчилари бригада аъзолари билан ака-укалардек қуюқ кўришар эканлар: «Биродарлар, бормисизлар? Бизни ҳам йўқлайдиган кун бор экан!» деб уларга миннатдор қалб туйғуларини изҳор қилар эдилар. Ойбек уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериб, фронт орқасида қолган ёшлар, аёллар ва кексаларнинг қаҳрамонона меҳнат қилаётганлари, Шимолий Тошкент каналининг қурилиши, пахта ва ғалладан юқори ҳосил учун олиб борилаётган кураш, Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжоннинг янги шеърлари ҳақида тўлиб тошиб сўзлаб берди.

Бригада аъзолари фронт яқинида жойлашган ҳарбий қисмлар билан бирга ертўлаларда— блиндажларда яшадилар. Бомба ва снарядлардан сақланиш учун ертўлалар тўсинлар билан мустаҳкамланган бўларди. Шунга қарамай, ёмғир ва қор суви ертўлалар ичига сизиб катта-кичик кўлмаклар ҳосил қиларди.

Ойбек узун уйқусиз кечаларда темир бочкалардан қурилган печь ёнида ўтириб, снаряд гильзасидан ясалган қўлбола жинчироқ шуъласида шеърлар ёзар, жангчилар ва командирлардан эшитган жанговар ҳаёт лавҳаларини ён дафтарига муҳрлар эди. Ана шундай дақиқаларда туғилган шеърларга Муҳаммаджон Мирзаев ва Дадаали Соатқулов шу заҳотиёқ куй басталар ва янги қўшиқлар эрта билан жангчилар ҳузурида ижро этилар эди.

Баъзан Ойбек чолғучилардан гоҳ «Чўли Ироқ»ни, гоҳ «Ушшоқ»ни ижро этишни сўрар, жангчилар билан мириқиб тинглар ва роҳатланар эди. Бундай ички нурланишлардан сўнг шеър келарди. У қайси қисмга бормасин, қаҳрамон жангчилар билан учрашиб, 3—4 дақиқа ичида уларга бағишлаб шеър ёзар ва уларни завқ билан ўқиб берар эди. У ана шу тарзда хавф-хатарда кечган уч ой давомида 50 дан ортиқ шеър ёзди. Аммо, афсуски, ўт-олов ичида бадиҳа йўли билан ёзилган бу шеърларнинг 34 тасигина сақланиб қолган, холос.

1942 йилнинг декабрида душман ўтли исканжага олиб, пойтахт бўсағасидаги шаҳар ва қишлоқларда ажал уруғини сочиб юрарди. 25—30 километр нарида ҳайқираётган замбаракларнинг бўғиқ овозлари Москвада акс-садо бераётган, аҳён-аҳёнда пойтахт осмонига шўнғиб киришга улгурган қузғунлар дастидан шаҳардаги баъзи бир иморатлар қулаётган кезлар...

Нонуштадан кейин Ўзбекистондан келган меҳмонлар олдига асир олинган бир немисни олиб келдилар. Асир таржимон орқали берилган саволларга жавоб қайтарар экан, ҳадеб «Гитлер капут» деган сўзларни такрорлар эди. Эндигина йигирма ёшга тўлган бу йигит ҳамма нарсага қўрқиб, шафқат излагандек, олазарак кўзлари билан қарарди. У ўзи хизмат қилган қисмда ёшларнинг кўплигини, уларни ҳужумга дўқ ва пўписа билан олиб чиқишларини айтди. Чиндан ҳам, немислар орасида ҳали суяги қотмаган ёшлар беҳисоб эди. Асир тушганларида ночор ва беозор кўринган бу ёшлар қуролсиз аҳолини шафқатсиз равишда қийнаб ўлдирар, бутун-бутун қишлоқларни култепаларга айлантирар эдилар.

Она сути ҳали оғзидан кетмаган бу асир билан учрашувдан кейин, одатдагидек, кечаси соат бирларда Ойбек ҳамшаҳарлари билан фронт томонга машинада жўнади. Кун бўйи тинмай, айниқса кечаси авжига минган тўплар уйлар, қишлоқлар, кўприкларни харобага айлантирарди. 220 уйли бир қишлоқдан бир ғиштин бинонинг харобасигина қолган эди, холос. Машинада яна бир вайрона ёнидан ўтганида, жангчилар куни кеча бу ерда Юхнов деган шаҳарча бўлганини айтдилар. Батамом бузилган бу шаҳарчада бирон киши учрамади. Йўл бўйлаб қор кўрпалари орасида саф тортган дўнг тепачалар шу ерда яшаган ва жанг қилган кишиларнинг қабрлари эди. Бу ҳазин, бағоят даҳшатли манзарани кўрган Ойбекнинг кўзларидан ёш тирқираб отилди...

Наим КАРИМОВ.

(Давоми бор).

ОИЛА даврасида суҳбатлар

Ётоқхона—иккинчи уйимиз

БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

Яқинда студентлар шаҳарчасида бўлдик. Мана, эрта тонгданоқ қалблари янги ўқув йили режалари билан тўлган ёшлар билим масканлари томон ошиқишяпти. Ётоқхоналарнинг биридан чиқиб келаётган бир группа қувноқ йигит-қизлар эътиборимизни жалб этди. Улар дарсга шошилишаркан, нима ҳақдадир баҳслашиб боришарди. Бизда ана шу ёшлар истиқомат қиладиган ётоқхона шароити билан танишиш истаги туғилди.

Комендант М. Акбаров ва студентлар совети раиси А. Суюнов билан учрашдик. Улар студентлар совети мажлисини ўтказишаётган экан. Йиғилиш тугагач, уларга мақсадимизни айтдик.

— Ётоқхонамизда ҳуқуқшунослик факультети студентлари яшашади. Улар учун барча шароитлар яратиб берилган. Ўтган йили ётоқхонамиз университет бўйича ўтказилган кўрик-мусобақада биринчи ўринни эгаллади.

Қаватларни кўздан кечириб юрарканмиз, таниш қўшиқ садолари эътиборимизни тортди.

— Ленин хонасида ётоқдошларимиз янги қўшиқ ўрганишаяпти. Бизда талантли ёшлар жуда кўп, — деди А. Суюнов.

Ленин хонаси. Тўрдаги деворга В. И. Ленин портрети қўйилган. Чап томондаги тахтага ётоқхона студентлари ҳаётини ифода этувчи, факультет студентларининг қурилиш отрядлари ҳаётини акс эттирувчи турли хил расмлар ва деворий газеталар осиб қўйилган. Пианино атрофини ўнга яқин йигит-қизлар ўраб олишган.

Дарҳақиқат, ётоқхонадаги ҳамма ишлар мақтаса арзигулик. Ҳар бир қаватнинг йўлак деворлари рангли бўёқлар билан пардозланган, поллари яхшилаб ювиб тозаланган. Ҳар бир хона эшигига қора дермантин қопланган. Вестибюлларда керакли жиҳозлар бор. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган деворий газеталар, «Ягона оилада», «Тошкент — дўстлик шаҳри» стендлари киши эътиборини ўзига тортади. Ўқув заллари, Ленин хонаси студентлар хизматида.

— Иккинчи уйимиз бўлмиш ётоқхонада биз студентларнинг яхши ўқиб, яхши дам олишимиз, яхши яшашимиз учун барча шарт-шароитлар мавжуд, — дейди студент Б. Боймирзаев, — Ҳар куни факультетимиздан навбатчи ўқитувчилар келиб, студентлар ҳаётидан хабар олиб туришади.

Ш. УМИРОВ.
ТошДУ журналистика факультетининг студенти.

Иззатингдан айрилма

Шарофати йўқ, касофати кўп

Назирхўжа айтилмаган бўлса ҳам қўни-қўшни, маҳалладошларига қўшилиб бир кўча наридаги базмга борди. Кўча эшик олдида қўл қовуштириб меҳмон кутаётган мезбонларга бошқалар сингари у ҳам «тўй муборак» дея ичкарига кирди. Кўпчилик ичида ҳар тарафга аланглайверганидан ўз ҳамроҳларини йўқотиб қўйди, кейин ёнверидагиларнинг бирортасинииям танимаганлигидан бир қадар ўнғайсизланиб, чеккадаги стулга ўтирди. Меҳмонлардан бири гулли пиёлага чой қуйиб узатди:

— Олинг, ака, дастурхонга қаранг, марҳамат!

Назирхўжа «раҳмат» деган бўлиб бош қимирлатди, кейин пиёлани лабига теккизган бўлиб столга қўйди. У зерикмаслик учунми, ёки одати шундаймиди, бутун ҳовлига кўз югуртириб чиқди. Меҳмонлар учун турли мева-чевалар, гуллар билан ясатилган дастурхонлар, у ёқдан бу ёққа ўтиб турган ёшяланг хизматчилар, тўйхонага кириб-чиқиб турган гуррос-гуррос одамлар — ҳамма ҳаммаси унинг назаридан четда қолмади. Ичимлик шишалар орасида ўзига кўп йилдан бери таниш, оғайнидай бўлиб қолган, бир қарашдаёқ ҳар қандай идишлар орасидан ажратиб олса бўладиган арақ шишасини кўрмагач, ҳайронлиги ўн чандон ошди. Унинг нотинчланаётганлигини сезган ёнидаги йигит секин сўради:

— Ҳа, ака, бирон нарса керакмиди? Тортинманг...

—Э, йўқ, ҳеч нарса... —дея мужмал жавоб қилди Назирхўжа. Ҳадеганда таниш шишанинг бўйи кўринавермагач тоқати тугаб, ўзи ёнидаги йигитдан сўрашга мажбур бўлди.

— Бу деймaн, ошна, шишаларнинг бори шуми?— дастурхондаги минерал суви шишаларига ишора қилди у. Аввалига унинг ишорасига тушунмаган йигит бир дақиқа ўйланиб турди-да, сўнг охиста деди:

— Ҳали тўй очилганича йўқ. Меҳмонлар энди келишяпти-ку.

— Э, ҳа, шунақа денг, — жавобдан хотиржам тортди шекилли, пиёлада-ги совиб қолган чойни симириб қолдиғини оёғи остига сепиб юборди.

Бир пайт электр чироқлари ёқилди. Ҳовлига файз устига файз қўшилди. Караводтаги ҳофизлар навбатдаги қўшиқни бошлаб юборишди.

—Дўхтир келди... дўхтир келди... —деган гаплар қулоққа чалиниб қолди шу топда. Назирхўжа хушёр тортди. Лаблари пирпираб хаёли қочди. Юзларида ғалати ифода уйғонди. Ҳозиргина келган, шундоқ ёнгинасидан ўтиб кетган, ниҳоятда ҳурмат-эътибор билан кутиб олинган меҳмон унинг укаси —шаҳарда номи чиққан врачлардан бири — хирург Ботирхўжа эди.

Назирхўжани ички титроқ тутди. Афти бужмайиб, қандайдир ғайирлик ифодаси уйғонди бетида. Ахир ўн йилдан бери борди-келди қилмайдиган туғишган укаси ота маҳаллага келаркан-у, у билмас экан. «Тўрдаги жойни унга сақлаб қўйишган экан-да. Мени укам танимади-я, —уйларди у ичида. — Танисаям танимасликка, кўриб кўрмасликка олиб ўтиб кетди. Ҳаммаям дўхтир бўлсинакан. Димоғдорлигини қара!»

Хаёллар унинг кўнглидан илк марта ўтмаётган эди. Илгари ҳам у укаси Ботирхўжанинг элда обрў-эътибори ошиб бораётганлиги ҳақидаги гапларни эшитиб юрарди. Лекин ҳозиргидай салобатли, иззатли киши бўлиб етишганлигини тасаввур қилиб кўрмаганди ҳам. Ўзини унга қиёслаб кўрди. Афт-ангори офтобда жизғанаги чиқиб кетган одамга ўхшайди.Соч-соқоли ўсган.

Назирхўжани ичкилик шу кўйга солди. Бора-бора маҳаллада ҳеч ким уни тўйга чақириб келмайдиган бўлди. Ҳеч ким унинг уй эшигини тақиллатиб фалон жойда зиёфат бор, демайдиган бўлди. Ҳозир ҳам ўзи эргашиб келмаганда, уни ҳеч ким базмга бошлаб келмас эди. Назирхўжага шулар қаттиқ таъсир қилди. Ўзини камситилган, деб тушунди. Ўз туғишгани билан ўн йилдан ортиқ вақтдан бери борди-келди қилмайди. Бунгача тасодиф туфайли қариндош-уруғларникида юз кўришиб қолишса, тил учида салом-алик қилишарди, холос. Бунга ҳам ўзи айбдор. Кўплар унга: «ичманг, ичкилик сизга ёқмайди» деди, Назирхўжа уларнинг бирорта насиҳатини қулоққа олмади. Оғиздан кирган юз грамм жиғилдонида хуруж қилиб, уни йўлдан оздирди. Бора-бора, у муштлашадиган, қайси тўй ё зиёфатга борса, оғзибурни қонаб, уст-боши лой-тупроққа беланиб қайтадиган, милицияга тушиб ўн беш сутка ётиб чиқадиган ҳам бўлиб қолди. Аммо, буларнинг ҳаммаси ҳали ҳолва экан. Ёқалашмагани шу укаси— Ботирхўжа қолган экан. Қайси бир янги йилни кутар маҳали эди. У кечкурун ғирт маст ҳолда кириб келиб, Ботирхўжа билан ёқалаша кетди. Ака-укани ажратаман деб ўртага тушган Ботирхўжанинг хотинини Назирхўжа тепкилади. Келин оғироёқ экан — шу заҳоти чинқириб йиқилди. Шу кеча ҳеч ким янги йилни кутгандай бўлмади. Маст Назирхўжани боғлаб ташлаб, ҳар ким ўз уйига жўнаб қолди. Ботирхўжа эса хотинини касалхонага олиб кетди. Келиннинг боласи нобуд бўлгач, орадан уч кун ўтгач Ботирхўжа қаёқдандир квартира топиб, кўчиб кетди. Шу-шу ака-ука ўртаси узилиб кетди. Ўша кундаги воқеани эшитганлар Назирхўжа билан алоқани узишди.

Ичкилик оқибати шу бўлди. Мана ҳозир ўша алам, ўша кундан қолган эски дард унга азоб бера бошлади. Ботирхўжа у ўтирган томонга бир-икки қараб қўйгандай бўлганди, унинг алами ошди. Ўз қадр-қимматини ичкилик туфайли оёқ ости қилган Назирхўжа учун бундан ортиқ алам йўқ эди.

У гандираклаб ўрнидан тураётиб, ёнидаги йигитни туртиб юборди. Йигитнинг жаҳли тезроқ шекилли, аччиқланиб уни ўзидан нари итарди. Назирхўжа беихтиёр қалқиб столдаги пиёлани ерга тушириб юборди. Пиёла синди. Шу заҳоти қаёқдандир етиб келган икки ўсмир уни қўлтиғидан суяб ташқарига бошлашди. Ўтирганлар ўртасида «Назирхўжа одам бўлмабди, у яна маст» деган пичир-пичир гап тарқалди. Тўй эгалари ҳам норизо қараб қўйишди. Аллаким, маҳалла активларидан бўлса керак, ичкилик ичмай заҳар ичганинг яхшимасмиди, деганди, Назирхўжанинг бутун аъзойи-бадани титраб кетди. Кўчага чиқди-ю, қоронғулик ичида тезда ғойиб бўлди.

... Эртасига эрталаб доктор Ботирхўжага телефон қилишиб: «Акангиз Назирхўжа ичкиликдан заҳарланиб ўлибди» деган хабарни етказишди.

Ичкилик кишини дардманд қилибгина қолмай, уни одамийлик ғурури, қадр-қимматидан ҳам айирар экан-да.

Нурилла АЛИМОВ.

Уй бекалари, Сизлар учун!

Дераза учун «кийим»

Айтайлик, сиз янги квартира олгансиз ёки яшаб турган уйингизни яхшилаб ремонт қилгансиз. Энди квартирангизга замонавий тус бермоқчисиз. Бунинг учун биринчи ўринда деразангизни кийинтиришингиз» керак. Чунки дераза уйга чирой, кишига яхши кайфият бағишлайди. Бу ишни бажаришда асосан хонага тушадиган ёруғликни тўсиб қўймасликка ҳаракат қилиш лозим. Бунинг учун дераза пардаси 2 қаватдан иборат бўлиши керак. Юпқа тўр парда хонага чирой ва гўзаллик бахш этади. Иккинчи парда қалин материалдан тайёрлангани яхши. Бунинг ўзига хос томони шундаки, у қишда совуқни тўсса, ёзда иссиқликни қайтаради. Агарда дераза пардаси тўғри танланса, хона кенг, ёруғ ва баланд кўринади.

Дераза пардаси ойнан қуёш нурини қайтариб туриши учун ҳам хизмат қилиши керак. Баъзилар кундузи уйни қоронғи қилиб, ёзнинг иссиқ жазирамасида озгина мизғиб оладилар. Шунинг учун ётоқхонанинг ички ва сиртқи пардалари тўқ ҳаворанг, яшил газмолдан бўлгани маъқул.

Юпқа ва қалин пардалар хонанинг рангига мос келиши ва тузилишига монанд бўлиши керак. Энг муҳими, у ниҳоятда енгил ва ғижимланмайдиган материалдан бўлиши лозим. Агар парда ўша хонага тўшалган гилам ёки палос, диван ҳамда креслонинг устидаги ёпғич рангига мос келса яна яхши.

Ички ва сиртқи пардаларни танлаш деразанинг жойлашишига ҳам боғлиқ. Пардани полгача ёки дераза токчасигача ўлчаб тикиш мумкин. Деразангиз кичик бўлса, бунинг ҳам иложи бор. Парда материали дераза энидан икки баробар кўп олиниб, карнизи ҳам шунга яраша бўлиши керак. Бунда қалин пардалар деразанинг ён томонига кўпроқ бўлиб қўйилади. Бундай ҳолатда дераза кенг ва чиройли кўринади. Борди-ю, деворнинг бир томонида 2 та дераза жойлашган бўлиб, деразалар кичик бўлса карниз ва пардалар яхлит олинади. Қалин дарпардани иккала дераза орасидаги жойга буриб қўйиш мумкин. Уй бекаларига яна шуни эслатиб ўтишни истардикки, деразага газмол олишдан олдин деразанинг бўйи ва энини тўғри ўлчаш керак. Дераза пардаси ергача сурдалиб, осилиб туриши шарт эмас. Айниқса ёш болали уйларда болаларнинг қўли пардага етмаслиги керак. Газмол қанча кўп бўлса, қиймати ҳам шунча кўп бўлишини унутмаслик керак.

М. САИДБОЕВА
тайёрлаган.

КУЧЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ САМАРАСИ

Қозоғистоннинг Уральск областидаги агросаноат комплекси меҳнаткашлари тез-тез ёғингарчилик бўлиб турганига қарамай, ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар.

Ўрим-йиғим транспорт комплексларини тез бошқариш жуда катта самара бермоқда. Масалан, энг серҳосил далаларда ғарамларни янчишга киришилган Жонибек районида қўшимча кучлар керак бўлиб қолди.

Район агросаноат бирлашмаси кенгашининг талабига кўра, бу ерга бир кеча-кундуз мобайнидагина Уральск областининг ўн соҳилидан комплекслар келтирилди. Ўнг соҳилда буғдой кечроқ пишиб етилади.

Ҳозир ўз кўчма устахонаси, ошхонаси ва дам олиш вагончалари бўлган ўн олтита шундай комплекс район агросаноати бирлашмаси кенгаши ихтиёрида. Бундай комплекслар область жанубидан шимолига томон ҳаракат қилиб, мавсум мобайнида бир қанча районларда меҳнат қилади ҳамда пишиб етилган буғдойни ўз вақтида янчиб олишни, ўрим-йиғимни бир маромда ўтказишни таъминлайдилар.

(ТАСС мухбири).

СИМЁҒОЧДА ВЕЛОСИПЕД

Чех Иозеф Коварж нотекис йўлларда ҳам енгил ҳаракатлана олувчи, ҳаттоки симёғоч бўйлаб кўтарила оладиган янги типдаги ғилдиракли велосипед ихтиро қилди. Ғилдиракнинг ҳар бир спицаси трассадаги шароитга кўра, ўз ўлчамини ўзгартира олувчи ўзига хос пневматик цилиндрга эга.

Фаттоҳ АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Фаттоҳ Абдуллаевич Абдуллаев оғир касалликдан сўнг 71 ёшида вафот этди.

Ф. Абдуллаев 1914 йил Қозоғистон ССРнинг Жамбул шаҳрида туғилди. 1934 йилда Ленинград давлат университетининг филология факультетига ўқишга кириб, уни 1939 йилда муваффақиятли битирди. Ўз меҳнат фаолиятини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили кафедрасида бошлади. 1944 йилдан 1947 йилгача Ф. А. Абдуллаев Наманган давлат педагогика институтининг кафедрасини бошқарди. 1947 йилдан то умрининг сўнгги кунларигача у Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида ишлади — ҳозирги ўзбек тили ва турк тилларини қиёсий ўрганиш секторларини бошқарди, илмий консультантлик қилди.

Ф. Абдуллаев ўзбек тилшунослиги соҳасида таниқли олим эди. У Хоразм шеваларини чуқур ва жиддий тадқиқ этиш натижасида «Хоразм шевалари» йирик монографиясини яратди. Унинг нашр этилган илмий мақола ва китоблари ўзбек тили шевалари, фонетикаси ва грамматикасидаги кўпгина баҳсли масалаларни ҳал этиш имконини берди.

Ф. Абдуллаев истеъдодли тилшунос бўлиш билан бирга таниқли адабиётшунос ва таржимон ҳам эди. Унинг Умар Ҳайём, Камина тўғрисидаги ёзган илмий асарлари, шунингдек туркман ва рус тилларидан қилган бадиий таржималари ижодий фаолияти кенглигидан далолат беради.

Ф. Абдуллаевнинг илмий-педагогик фаолияти партия ва ҳукумат томонидан юксак баҳоланган эди. У бир неча медаллар билан мукофотланганди. Унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони берилган эди.

Йирик тилшунос олим ва ажойиб педагогнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.



СУРАТДА: бинокорчилар машқ қилишмоқда.
Т. Каримов фотоси.

Хоккей
(Биринчи лига)

ДАСТЛАБКИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Тўғрисини айтганда, мавсум Тошкентнинг «Бинокор» командаси учун омадсиз бошланди. Ҳамшаҳарларимиз Усть-Каменогорск шаҳрининг «Торпедо» командаси хоккейчиларига 3:5, 4:5 ҳисобида имкониятни бой беришди. Бироқ ўйиндан ўйиннинг фарқи бор дейишади. Шунинг учун ҳам келажакка умид билан қараш мумкин. Ҳозирги кунда «Торпедо» командасида тарбияланган ўнлаб хоккейчилар олий лига коллективларида баҳс юритаётганлиги команданинг имкониятларидан далолатдир. Мағлубиятлардан хулоса чиқариб олишга ҳали вақт бор.

Учрашувларни таҳлил қилишдан олдин сўзни команда бошлиғи Омон Султонович Мусаевга берайлик:

— Маълумки, биз иккинчи лиганинг шарқий зонасида ғолиб чиқдик. Ўтиш турнирини эса жуда бўш ўтказдик. Шаҳарлар орасидаги масофа олис бўлганлиги учун бориш-келишга жуда кўп вақт сафланди. Натижада хоккейчилар чарчаб қолишди. Фақат омад туфайли коллектив биринчи лигадан ўрин олди.

Коллектив раҳбарлари ёз ойларида маҳоратни такомиллаштиришга алоҳида эътибор беришди. Энг аввало машқларни ўтказиш методикаси ўзгартирилди. Интизомсизлиги учун Черепнин командадан бўшатилди. Составга бир неча ёш ўйинчилар келиб қўшилди. Ҳимоячилар Р. Файзиев, Ю. Чуканов, В. Галкин, ҳужумчилар А. Маркин, А. Кашчеев, В. Полижаевлар шулар жумласидан. Дастлабки контроль учрашувлари биз танлаган йўл тўғри эканлигини кўрсатди. Ўтиш турнири вақтидаги энг ноқулай рақибимиз Челябинск шаҳрининг «Металлург» командасини 6:3 ва 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратдик. СССР спорт комитетининг соврини учун ўтказилган турнирда «Торпедо» командасини 3:2 ҳисобида енгдик. Хоккейчиларимиз 3:0 ҳисобида олдинда боришаётган эди. СССР терма командасининг собиқ аъзоси Борис Александров устозлик қилаётган коллектив вазиятни ўзгартириб, ҳисоблар ўртасидаги фарқни камайтиришга муваффақ бўлди. Шу учрашувлардан кейин команда ўйинчиларининг ўзларига бўлган ишончи мустаҳкамланди.

Вазиятга тўғри баҳо бериш лозим. Навбатдаги биринчилик учрашувлари ҳам имкониятларимизни яна бир марта синовдан ўтказишга ёрдам берди. Бутун ўйин давомида торпедочилар 130 марта ҳужум уюштириб, дарвоза томон 49 марта шайба йўллашди. «Бинокор» эса 120 марта ҳужум уюштириб, дарвоза томон 50 марта шайба йўллади. Тўғрисини айтганда, меҳмонларнинг маҳорати юксаклиги яққол сезилиб турди. Фақат ҳисоб 0:3 бўлганидан кейин вазият ўзгарди.

Тошкентликлар меҳмонларнинг дарвозасини қамал қила бошладилар. Чуканов узоқ масофадан дарвозани нишонга олиб, «Бинокор»нинг биринчи лигадаги дастлабки шайбасини дарвозага йўллади. Бинокорчилар яна икки марта дарвозани нишонга олган бўлишларига қарамасдан мағлубиятдан қутула олмадилар.

Иккинчи учрашувда команданинг тажрибали дарвозабони Ильмир Каримовнинг ўйини қовушмади. Натижада у тўрт марта шайбани дарвозадан олишга мажбур бўлди. Унинг ўрнига Ўтирганлар ўртасида «Надарвозага турган Владимир Риб аниқ ҳаракат қилди. Бу нарса бошқа ўйинчиларнинг ҳам ўзларига ишончини оширди. Бинокорчилар ҳужумга зўр бера бошладилар. Иккинчи ва учинчи даврларда улар рақиблари дарвозасини икки мартадан нишонга олишди. Бу сафар ҳам биринчи даврда йўл қўйилган хатолар туфайли очколар бой берилди. Хуллас, команда ҳужумкор ва чиройли ўйин кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Улар бугун Қарағанда шаҳрининг «Автомобилист» командаси билан бўладиган учрашувда яна бир марта синовдан ўтишади.

В. ФОЗИЛОВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ ЭГАЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ **ЕНҒИН МУҲОФАЗАСИ БОШҚАРМАСИ ВА ШАҲАР КЎНГИЛЛИ ЕНҒИН ЎЧИРУВЧИЛАР ЖАМИЯТИ**

ПЕЧЛАРНИ ЁҚИШ ПАЙТИДА ЕНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН

ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддий риоя қилиш лозимлигини

ЭСЛАТАДИ

— печларнинг созлигини текшириш ва уларни ҳаддан ташқари қизиб кетишига йўл қўймаслик;

— ёниб турган печкаларни назоратсиз қолдириб кетмаслик;

— печлар олдида ўтинлар, кийим-кечакларни сақлаш ёки қуритиш ишларини бажармаслик;

— печларни ёқиш учун керосин ёки бензин ишлатмаслик керак— улар портлаш ёки аланга кўтарилиш ҳолларини келтириб чиқаради;

—печлар ва дудбуронларни қурумдан тез-тез тозалаб туриш керак.

— хона печлари учун — 2 ойда бир марта

— ошхона печлари учун бир ойда бир марта

—махсус печлар учун (ошхоналар, кир қуритиш корхоналари ва бошқа жойларда) бир ойда икки марта.

ЁНҒИН МУҲОФАЗАСИ ҚОИДАЛАРИГА ФАҚАТ ЖИДДИЙ ВА ОҒИШМАЙ РИОЯ ҚИЛИШ ЁНҒИН ЧИҚИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА

АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИГАН КУНЛАРДА ҚЎЙИДАГИ КИТОБЛАРГА АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ

«ДРУЗЬЯ ПУШКИНА» китобига 13 сентябрь куни ҳар бир қабул пунктидан 50 тадан; 14, 15, 21 ва 22 сентябрь кунлари 75 тадан абонемент тарқатилади.

Г. Сенкевичнинг «КРЕСТОНОСЦИ» китобига 13 сентябрь куни ҳар бир қабул пунктида 50 тадан; 14 ва 15 сентябрь кунлари 60 тадан абонемент тарқатилади.

«МИНГ БИР КЕЧА» китобига 20 сентябрь куни ҳар бир қабул пунктида 50 тадан; 21 ва 22 сентябрь кунлари 100 тадан абонемент тарқатилади.

«ДРУЗЬЯ ПУШКИНА» КИТОБИГА АБОНЕМЕНТ БИР ЙЎЛА КАМИДА 10 КИЛОГРАММ МАКУЛАТУРА ТОПШИРИЛГАНДАН КЕЙИНГИНА БЕРИЛАДИ.

Абонемент унда кўрсатилган китоб 40 килограмм макулатура (ҳар бир томига 20 килограмм ҳисобида) топширилганидан сўнг олинишига кафолат бўлади.

Маркалар учун макулатура абонемент кўрсатилганидан кейингина қабул қилинади.

Г. Сенкевичнинг «Крестоносци» ва «Минг бир кеча» китобларига абонементлар бир йўла камида 15 килограмм макулатура ёки 3 килограмм иккиламчи тўқимачилик материаллари (жун ва ип-газлама латталар) **топширилганидан кейингина берилади.**

Г. Сенкевичнинг «Кристоносци» ва «Минг бир кеча» китобларига абонементларни аҳолига сотиш тартиби Ўзбекистон ССР Госснаби ва Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети томонидан 1984 йил 13 февралда тасдиқланган.

АБОНЕМЕНТЛАР ЖУМА КУНИ СОАТ 18.00 ДАН ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 9.00 ДАН РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ.

Бошқа кунларда абонементларнинг маркаларини тўла комплектлаш учун макулатуралар қабул қилинади. Макулатуралар ва иккиламчи хом ашёлар гражданлардан иккиламчи хом ашёлар учун белгиланган 52—01 прейскурантида кўрсатилган харид баҳоларига биноан чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Топширилган бир килограмм макулатура учун 2 тийин, 1 килограмм жун аралаш латта учун 16 тийин ва бир килограмм ип-газлама, каноп ҳамда қоплар учун 6 тийин ҳақ тўланади.

Қабул пунктларининг иш тартиби: ҳар куни (жумадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус — соат 13 дан 14.00 гача. Жума соат 11 дан 20.00 гача, танаффус — 14.00 дан 15.00 гача.

МАКУЛАТУРАЛАР ФАҚАТ ПАЧКАЛАРГА БОҒЛАНГАН, ГАЗЕТАЛАР, КИТОБЛАР, ЖУРНАЛЛАР, МАИШИЙ КАРТОН ВА ЎРАШ ҚОҒОЗЛАРИ ТУРЛАРГА АЖРАТИЛГАН ҲОЛДА ГРАЖДАНЛАРНИНГ ҚАЕРДА ТУРИШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР ЖОНЛИ ТАРТИБ ЙЎЛИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Абонементлар олиш учун макулатура ва иккиламчи тўқимачилик материалларини қабул пунктларига фаол топшириш савдо тармоқларининг адабиётларни тезроқ олишига хизмат қилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЪЙЁРЛАШ КОРХОНАСИ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ АВТОМОТО ВА РАДИО СПОРТИ БЎЙИЧА БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТ-ТЕХНИКА МАКТАБИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

мактабнинг қуйидаги бўлимларига бошланғич тайёргарлик группаларига:

—КАРТИНГ (9—12 ёшли ўғил ва қиз болалар;

— МОТОКРОСС (9—18 ёшли ўғил ва қиз болалар);

—РАДИОСПОРТ (10—13 ёшли ўғил ва қиз болалар);

Спортнинг техника турлари билан шуғулланиш иштиёқида бўлганлар мактабнинг қуйидаги адресга жойлашган ўқув қисмига мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 17-«а» уй («Болалар дунёси» магазини рўбарўсида). Телефон 33-05-94.

Чиннидек ораста қилади

ДАСТУРХОНЛАР ВА СОЧИҚЛАР «БИО—С» ПОРОШОГИ БИЛАН ЮВИЛГАНДА ЧИННИДЕК ОРАСТА БЎЛАДИ. ЧУНКИ БУ ПОРОШОК БИРОРТА ДОФНИ ҚОЛДИРМАЙДИ.

Кирни бир маромда ювиш учун сувнинг ҳарорати 60 даража иссиқдан ошмаслигини унутмаслик керак.

«ЛОТОС» ПОРОШОГИ ШОЙИ, ЖУН, СИНТЕТИК БУЮМЛАРНИ ЖУДА ҲАМ ЯХШИ ЮВАДИ. (Бу айниқса қўлда кир ювилганида юмуш жуда ҳам осон кўчади.

МАШИНАДА КЎП КИР ЮВИЛАЁТГАНДА ЭСА «ЛОТОС — АВТОМАТ» ҚЎЛ КЕЛАДИ.

Бу порошокнинг ўзига хос хусусиятлари бор: у кўп кўпирмайди, натижада машинанинг иши анча енгиллашади.

Бу порошок каноп, пахта, синтетик, шойи ва жун буюмларни бемалол яхши ювади.

«ВНИИХИМПРОЕКТ».

ТРИКОТАЖ—МОДАБОП, ҚУЛАЙ ВА ЧИДАМЛИ

Ўзининг ҳар томонлама такомиллашганлиги билан ажойиб бўлиб қолган трикотаж бугунги кунда либосларимиз орасида пешқадамлик қилмоқда. Биз йилнинг турли фаслида трикотаж либосларини кияр эканмиз, унинг бир қатор фазилатларига қойил қоламиз. Бу фазилатлар шундан иборатки, ундан тайёрланган либослар енгил, қулай, майин ва чиройли бўлади, киши қоматига ярашиб туради, чаққон ҳаракат чоғида кишини сиқиб қўймайди.

Йилнинг салқин ойларида трикотаж жуда ҳам яхши қийилади. Чунки киши унда ўзини иссиқ ва қовушимли ҳис этади.

Агарда сиз Бош универсал магазинга марҳамат қилсангиз, кузги-қишки либосларингизни трикотаж кийимлари билан янада бойитган бўласиз.

ГУМ (телефон 42-27-39).

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН

СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИГАНЛАРГА

ҲАВОЛА ҚИЛАДИ

ЖУН АРАЛАШТИРИЛГАН ВА ТОЗА ЖУНДАН **ТАЙЁРЛАНГАН КАЛТА ВА ҲАЖМДОР ЗАНЖИР БОҒИЧЛИ СПОРТ КОСТЮМЛАРИ** (44 дан 52 размергача), **ТОЗА ЖУНДАН ТАЙЁРЛАНГАН СПОРТ ШИМЛАРИ** (50 размер)

СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН

ГУМ (телефон 42-27-39).

Сиз ҳам режиссёр, ҳам оператор, ҳам монтажчи, ҳам механик ва томошабинсиз

АГАРДА СИЗ ҲАВАСКОРЛИК КИНО КАМЕРАСИНИ СОТИБ ОЛСАНГИЗ АНА ШУНДАЙ ЗАВҚЛИ МАШҒУЛОТНИНГ УСТАСИ БЎЛАСИЗ.

БОШЛОВЧИ КИНО ҲАВАСКОРЛАРИГА «АВРОРА — 217» КИНО КАМЕРАСИ ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ. Бу камера ишлатишда оддий ва ишончли, ғоятда бежирим ва енгил. Баҳоси 80 сўм.

Бир мунча тажриба орттирган кино ҳаваскорларига «КИЕВ —16У, МОДЕЛИ Э» ёки «КРАСНОГОРСК—3» КИНО АППАРАТЛАРИ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ. Уларнинг баҳоси 540 ва 530 сўм.

Ана шу кино камералар ҳақидаги етарли маълумотларни **магазинда сизга тавсия қилинадиган паспортдан ўқиб оласиз.**

НАВОИЙ КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН САВДО РАСТАСИДАГИ «КИНО ВА ФОТО МОЛЛАРИ» МАГАЗИНЛАРИДАН БУ КИНО КАМЕРАЛАРНИ

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

«ТАШКУЛЬТТОРГ» (телефон 91-18-79).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/IX да **Оловли фариштa**, 13/IX да **Тўмарис**, 14/IX да **Тоҳир ва Зуҳра**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IX да **Куёв**, 13/IX да **Ҳар тўкисда бир айб**, 14/IX да **Ўғрини қароқчи урди**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/IX да **Лайли ва Мажнун**, 13/IX да **Олтин даврим** (16.00), **Мангулик** (19.30), 14/IX да **Гулсара**.

КИНО

12 СЕНТЯБРЬ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИЗ КИМСИЗ, ДОКТОР ЗОРГЕ?» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.45, телефон 44-21-44).

«БУВИ —ГЕНЕРАЛ», «КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17.30, 20.15 да).

«ЖАЗДА ФАҚАТ ҚИЗЛАР» —**Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (жуфт соатларда телефон 46-70-69), **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02).

«АЛВИДО, ҒУР ЁШЛИГИМ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01). **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«РАҚИБЛАР» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда телефон 66-15-75), **Искра** (жуфт соатларда телефон 39-14-59).

«ЙЎҚ ҚИЛИШГА КИРИШИЛСИН» —**Хива** (21.30).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Восток** (18.30, 21.00 телефон 91-14-61).

«ЗОМБИ» ВАРИАНТИ» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Ҳамза номли** (18.30, 21.00; телефон 91-10-51).

«ДАКИЛАР»— **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда, телефон 22-24-66).

13 СЕНТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИЗ КИМСИЗ, ДОКТОР ЗОРГЕ?» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 44-21-44).

«БУВИ— ГЕНЕРАЛ», «КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 11.30, 14.30, 17.30, 20.15).

«ЖАЗДА ФАҚАТ ҚИЗЛАР» — **Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20). **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02).

«ФРЭНСИС»— **Москва** (11, 13.30, 18.30, 21.00; телефон 33-05-01), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 53-65-87), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92).

«РАҚИБЛАР» —**Искра** (тоқ соатларда, телефон 39-14-59).

«ЙЎҚ ҚИЛИШГА КИРИШИЛСИН»—**Хива** (21.30).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«АЛВИДО, ҒУР ЁШЛИГИМ» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Ҳамза номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-10-51).

«ДАКИЛАР» —**К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«МУҲАББАТ ДАРДИ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

ТВ

ПАЙШАНБА

12 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

17.40 Эфиопиянинг миллий байрами — Революция кунига. «Эфиопия репортажи».
18.05 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Польша — СССР терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Швейцария — Ирландия терма командалари. 2-тайм. Швейцариядан олиб кўрсатилади.
20.15 «Биздан юқорида — шаҳар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

12 СЕНТЯБРЬ, 1985 й.

21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР кубоги. 1/8 финал. «Спартак» — «Динамо» (Киев). Танаффус пайтида (22.45) — «Жар ёқасида». Сурункали алкоголизмни даволаш ҳақида илмий-оммабоп фильм.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Италия — Венгрия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Янгиликлар.
20.50 Ритмик гимнастика.
21.30 «Время».
22.05 «Кинг-Конг гриппи». Бадиий фильм (ГДР). 1-серия.

● ЎзТВ I

18.15 Янгиликлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.00 «Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — ҳаёт талаби» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Телевизион театр. Ойбек. «Қизлар».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бутуниттифоқ «Ўртоқ қўшиқ» программасининг ғолибларини таништирамиз».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қизил палатка». Бадиий фильм. 2-серия.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.00 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Вақт кутиб турмайди». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
19.25 «Қувноқ стартлар» (такрорий).
20.05 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Нон» сўзини бош ҳарф билан ата», «Кодраларда ҳовли тўйлари». Телефильмлар.
21.00 «Тарих саҳифалари». К. Ф. Рилеев. Туғилган кунининг 190 йиллигига.
21.30 МТ II

ЖУМА

13 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
9.55 Мультфильмлар: «Петя — хўрозча», «Қайчилар ва бола».
10.10 «Боку — кеча... бугун... эртага». Телефильм.
10.55 «Моҳир қўллар».
11.25 «Биздан юқорида — шаҳар». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «80-йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 «Рус тили».
16.35 «XVIII аср рус вокал лирикаси».
17.05 «Революция мадонналари. Никарагуа, 1985 йил». Ҳужжатли фильм премьераси. Халқ армияси жангчилари билан бирга революция ғалабаларини ҳимоя қилаётган Никарагуа хотин-қизлари ҳақида.
17.30 «Отларга минилсин». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси.
18.35 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Испания — СССР терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Белоруссия ССР ҳунар-техника таълими бадиий коллективларининг чиқиши.
19.50 «Пирамида». Ҳужжатли фильм.
20.30 «Анна Герман, тақдири ва қўшиқлари».
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича халқаро учрашув. ЧССР — СССР терма командалари. 1,2-ва 3-даврлар. Чехословакиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтларида — «Дунё воқеалари» ва шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Эришкесда яшаймиз». Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 Тарих. 4-синф. Қадимий Киевда.
10.05, 13.40 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 География. Дарёлар ва кўллар.
11.35, 12.40 Қиссалар. 5-синф.
12.05 «Асли уруш йилларидан». Илмий-оммабоп фильм.
13.10 Астрономия. 10-синф. Юлдузли осмон.
14.10 «Тўртинчи баландлик». Бадиий фильм, субтитр билан.
15.25 «Тарих саҳифалари». Петербург «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш Союзи» ташкил топганлигининг 90 йиллигига.
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Актуал мавзуларда: халқ истеъмоли моллари, хизмат кўрсатиш тармоғи».
19.20 Халқ куйлари.
19.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.05 «Кинг-Конг гриппи». Бадиий фильм (ГДР). 2-серия.

● ЎзТВ I

7.25 Кўрсатувлар программаси.
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!»
8.05 «Пионер янгиликлари».
8.15 «Шаҳарликлар далада». Ҳужжатли фильм.
8.30 «Ахборот».
8.50 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий).
9.20 «Денгиздан эсган шамол», «Чанқовни қондириш». Телефильмлар.
10.30 Жамиятшунослик. Фалсафанинг асосий масаласи.

* * *

18.15 Янгиликлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Завқли маскан».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.00 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан».
20.30 «Ахборот».
20.50 А. Островский номли Тошкент театр ва рассомлик институти студентларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 «Баҳс». Ёшлар учун ахлоқий-этик мавзуларда кўрсатув.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.10 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Полизчи хўтик». Қўғирчоқ фильм.
18.25 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари.
19.00 «Шаҳарликлар дастурхонига». «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси, Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди.
19.30 «Оқ йўл!» Телефильм.
19.40 Тошкент янгиликлари.
20.00 «Қутлуғ қон». Бадиий фильм.
21.30 МТ II

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрлиги, қоғоз ва ёғоч саноати илмий-техника жамиятлари Ўзбекистон Республика правленнеси ва Тошкент техника уйи

13 СЕНТЯБРЬ СОАТ 11.00 ДА

«Мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати корхоналарида маҳсулотни стандартлаштиришни ривожлантириш ва сифатини ошириш йўллари» деган мавзуда

СЕМИНАР УТКАЗАДИ

Семинар Мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрлигининг қуйидаги адресдаги мажлислар залида ўтказилади: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—09444. **Индекс 64690.** А-2218. **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**